

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 6-may • №19 (4106)

## ЁД ЭТИБ, ИЗЗАТ КЎРСАТИБ

**Отингни айтдинг-а, хўб айтдинг,**
**Зотингни айтдинг-а, хўб айтдинг...**

Алпомиш ўзининг бутун насл-насабини, уруғ-аймоғини, зотини — келиб чиқишини ва отини — ўзлигини соғинч билан эслаб хотирлайди. Хотира — инсоннинг ўзлигини, қадр-қимматини белгиловчи фазилат, муқаддас тушунча экани халқимизнинг қадимий достонларида ҳам тараннум этилган. Келин-куёвларнинг никоҳ тўйида келинсалом деган қадимдан қолган ажойиб удум бор. Янги оилага — "остонаси тилло уй"га келган илк куни келинчак куёвининг барча қариндош-уруғларига салом беради. Ўланчи аёл кудаларнинг номини бирма-бир ўланга қўшиб айтаверади. Келин номи айтилган кишига таъзим қилиб салом бераверади. Аввал ота-боболарнинг руҳига, аждодлар хотирасига салом берилади. Сўнг кексаларга, ўрта ёшлиларга, ёшларга ҳурмат-иззатига қараб ўлан айтилиб, таъзим қилинади.

Демак, Хотира ва қадрлаш халқимиз турмуш тарзига, урф-одатига сингиб кетган азалий қадрият экан. Шунинг учун Президентимизнинг "9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони дарҳол халқимиз юрагидан жой олди. Ушбу қутлуғ санани нишонлаш истиқлол даврининг ажойиб анъаналаридан бирига айланди.

"Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади", — деган эди Юртбошимиз Хотира майдони ёдгорлик мажмуининг очилишида сўзлаган нутқида.

Хотира ва қадрлаш куни она диёримизни, халқимиз озодлиги ва истиқлолни, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга оламиз, кексалик гаштини суриб юрган пири бадавлат қарияларимизни, меҳнат фахрийларини эъзозлаймиз, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатамиз. Ва албатта Иккинчи жаҳон урушида, мустақиллик ва озодлик учун курашларда шаҳид кетган боболаримиз руҳи поки олдида бош эгамиз. Хотира ва қадрлаш куни халқимизни бирлаштирадиган, юртдошларимиз иродасини янада бақувват, иймонини бутун қиладиган санага айланди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши муносабати билан «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Президентимизнинг Фармони қабул қилинди. Кекса авлод вакилларига юксак эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатилди. Қарияларимиз юрагида балққан миннатдорлик билан, тинч-фаровон ҳаётимизга шукроналик туйғулари билан Яратгандан Ватанимиз тинчлигини сўраб дуога қўл очадилар... Шу кунларда Ватанимиз озодлиги ва шону шарафи ҳимоячиларига бағишланган учрашувлар ва маънавий- маърифий кечалар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида мамлакатимиз бош майдони янада гавжум. Ям-яшил шамшоду сарв, қарағайларни, арчаларни, гиламдек тўшалган майсаларни, ранг-баранг гулларни кўриб кўзингиз яшнайди. Жаннатмонанд бу боғ, ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон ўз тароватни билан барчани ҳайратга солади. Қишлоқда яшайдиган фермер дўстим Дилмурод Азимов билан Хотира майдонини зиёрат қилдик.

— Тошкент ниҳоятда ўзгариб кетибди, — деди у ҳайратини яшира олмай. — Йигирма йил — илгариги талабалик давримизни бугунги кун билан солиштирганда ер билан осмонча фарқ бор...

Хотира майдони. Ўнг ва сўлда нақшинкор устунли айвонлар. Айвонларнинг токчаларида улкан хотира китоблари. Мангу олов ёниб турган ўчоқ бошида Мотамсаро она ҳайкали... Бу ҳайкал узоқ тарих давомида кўп жабру жафоларни, мислсиз йўқотишларни юрагидан ўтказган, бағри бутунлиги, номус-ори ва эркинлиги учун сабот ва матонат билан курашган она Ватанимизнинг рамзи-тимсоли каби кўнгилларга яқин. Оқ қайин, қарағай, арча дарахтлари ҳам хотира оғушида бошларини чайқаб тургандай...

Боғ атрофи ранг-баранг гуллар билан безанган. Уларнинг жўяклари турли нақшлар, шакллар ҳосил қилган. Бу гўё ипаклардан тиқилган каштага ўхшайди. Қадимий меъморий ёдгорликларнинг нақшу нигорларини эсга солади.

Ёнимда юрган ўғлимга Хотира майдонидаги айвонларни, Мотамсаро она ҳайкалини таърифлайман.

— Ўғлим, бу айвонлар, устунларга қара, қишлоқдаги бобонгнинг файзли ҳовлисига ўхшайди. Нақшинкор устунлар нақадар гўзал ва маҳобатли. Бу айвонлар ўзбек хонадонининг тимсоли. Она ҳайкалида ҳам Ватанимиз тимсоли ифодаланган...

Мангу олов теграсида зикр этилган "Эл юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамиша барҳаётдир", деган сўзлар эса узоқ ва яқин тарихимизда бугунги озодлик кунларимиз учун курашиб, жон фидо этганлар хотираси юрагимизда абадий яшашини англатади.

Шу дамда севимли шоиримизнинг Хотира майдони ҳақидаги шеъри ёдимга тушади:

**Юр болам, Майдонга борайлик бугун,**
**Қўлингда дона гул ёноғингдек ол.**
**Бу гул сенинг бахтинг, шод кулгунг учун**
**Фидо бўлган бобонг қалбига тимсол.**

**Йўқ, сен ўзинг гулсан, Ватанинг — чаман,**
**Улғай, асл зотинг унутма сира.**
**Билки, Қадр билмак аслида — Ватан,**
**Ватаннинг маъноси боқий Хотира.**

**Рустам МУСУРМОН**

### 9 май — Хотира ва қадрлаш куни



## ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ ОҒУШИДА

Қарши шаҳридаги Рогузар маҳалласида яшовчи Тошпўлат бобо Рустамовнинг хонадони шу кунларда меҳмонлар билан янада гавжум. Байрам арафасида шаҳар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари вакиллари Тошпўлат бобони байрам билан қутлаб, совға-саломлар топширдилар.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошпўлат Рустамов кўп йиллар вилоят мусиқали драма театрида меҳнат қилди. Бугун у оила даврасида тинч-хотиржам кексалик гаштини сурмоқда.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб турмуш кечириши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Т.Рустамов. — Биз, кексаларни ҳамиша эъзозлаб, ғамхўрлик кўрсатиб келаётган халқимиздан, Юртбошимиздан миннатдормиз.

***Суратда:* Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошпўлат Рустамов байрам билан табриклаб келган меҳмонлар даврасида.**

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## МАХТУМҚУЛИ
## БЎЛМАС

**Ҳар нодонга айтма дарду сўзингни,**
**Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас,**
**Ғусса билан дона-дона кўзингдан**
**Аччиқ ёшларингни тўкканча бўлмас.**

**Қаноатда, иззатда тут ўзингни,**
**Тама қилиб сарғайтирма юзингни,**
**Ҳар номардга раво кўрма сўзингни,**
**Сўзингни биносин йиққанча бўлмас.**

### Шеърий лаҳза

**Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,**
**Дуч бўларсан бир кун хазон елига,**
**Юз йил яшаб тушсанг ажал қўлига,**
**Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.**

**Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,**
**Юқар ундан турли-туман касофат.**
**Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,**
**Манглайга қораси юққанча бўлмас.**

**Махтумқули, ҳаргиз топмади омон,**
**Ёмон тилнинг заҳри тиғлардан ёмон,**
**Ёмон тил ёнида заҳри кўп илон —**
**Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.**

**Жуманиёз ЖАББОРОВ**
**таржимаси.**

→ 6

## ИФТИХОР

### Янги боғлар зийнати

Фарғона водийсига навбатдаги сафарга бораётиб, пойтахтдан Оҳангаронгача бўлган йўлнинг икки ёнидаги манзараларга боқиб тўймасдим. Турфа ўт-гиёҳлар босиб ётадиган қир-адирларнинг бугунги қиёфасини кўриб, сира кўзингизга ишонмайсиз. Шу кўрганларим ростми ё рўё, деб ўйлайсиз. Катта йўл атрофлари кета-кетгунча навниҳол кўчатлардан иборат. Ўркач-ўркач қирлар оша тоғ этакларига қадар ястанган бутун борлиқни янги боғлар чулғаган. Эрта кўкламда экилиб, бугун шахмат доналаридек саф тортиб турган турфа ниҳолларга боқиб кўзингиз яшнайди.

**Ватан учун яшайлик!**

Аллоҳга шукур, юртимиз боғларининг тансиқ мевалари, уларнинг анвойи таъмига тенглашадиган неъмат дунёнинг бошқа бирон мамлакатида учрамайди. Негаки, довруғи етти иқлимга кетган боғларимиз сахий қуёш ва асл бободеҳқоннинг қайноқ меҳри ила шира боғлайди. Бироқ боғу бўстонга ярашса-да, ҳали ниҳол қадалмаган қанчадан-қанча ерлар, қир-адирлар борлигини ўйлаганда, кўнгилда не-не армонлар қалашиб келаверар эди.

Албатта, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмайди — боғ яратиш учун катта меҳнат керак. Катта меҳнатдан ҳам кўра ўша боғбоп жойларга сув керак. Сувнинг эса қатраси ҳам ўша машъум йилларда пахтадан ортмаган. Шу боис дала-даштлар бағрини боққа буркаш ҳақидаги орзулар сароблигича қолиб кетаверган.

Уч-тўрт йил бурун Сурхондарёнинг Сариосиёсида Носирхон ота деган саксон ёшли мўйсафид умуман сув бормайдиган тоғ этагидаги қирликларда лалми боғ яратибди, деган хабарни эшитдиму ўша ёққа қанот боғлаб учдим. Ажойиб ғазаллар битишга моҳир эса-да, ҳосилотлик ўқишини битирган Ахтамқул Карим ҳамма қойил қолаётган ўша машҳур боққа мени бошлаб борди. Сувсиз кўкариб, тағин мева ҳам бераётган дарахтлар — лалми ерда унган боғ ҳақиқий мўъжиза экан. Носирхон ҳожи ота обиҳаётсиз мевазор яратишнинг ўзига хос технологиясини яратган, бошқача айтганда, бутун бошли илмий-тадқиқот институти неча ўн йиллар мобайнида амалга ошира олмайдиган катта ишни бир ўзи эплаган, эвазига эса на илмий унвон, на мартаба талаб қилган!



Ҳотам Мамадалиев (ЎзА) олган суратлар.

Халқ академиги деб эл орасидан чиққан шундай оталарни айтсак, тўғри бўлади. Носирхон ота яратган лалми боғнинг сирини "ЎзАС" саҳифаларида батафсил ёздик. Эндиликда Сурхондарёю Қашқадарёда, бошқа вилоятларимизда ҳам ҳожи отанинг кўплаб издошлари пайдо бўлди, улар яратаётган лалми боғлар майдони кенгайиб бораётир. Носирхон ота Тўрақуловнинг ўзи эса яқинда мамлакат кўламида ўтказилган "Ташаббус" кўрик-танловида биринчи ўринни олиб, "Йилнинг энг яхши фермери" деган юксак эҳтиромга сазовор бўлди. Ғолиб учун аталган Президент совғаси —"Spark" машинаси ёнида бизга пешвоз чиққан отахонни қутлар эканмиз, кўксини "Шуҳрат" медали безаб турган саксон беш ёшли боғбон Грециянинг халқаро илмий академияси томонидан профессорлик унвони билан ҳам сийланганидан воқиф бўлдик.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

## "СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!"

Шу кунларда пойтахтимиз театрлари томошабинлар билан ҳар қачонгидан кўра гавжум. Ҳафта давомида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида театр санъатидаги энг яхши асарлар учун "Сени куйлаймиз, замондош!" биринчи республика танлови бўлиб ўтмоқда.

"Буюк ва муқаддассан, Мустақил Ватан!" шиори остида ўтаётган мазкур танловнинг мақсади мустақиллигимизни, миллий қадриятларимиз ва юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини тараннум этувчи замонавий мавзуда, профессионал жиҳатдан юқори савиядаги спектакллар яратиш, ўзаро ижодий тажриба алмашиш ҳамда томошабинларни миллий театримизнинг энг сара намуналари билан таништиришдан иборат.

Танлов 2 май куни Ўзбек Миллий академик драма театрида очилди ва Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси "Шижоат" спектаклини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Спектаклни Холиқ Хурсандов асари асосида режиссёр Мансур Равшанов саҳналаштирган. Шу кунгача Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг "Оққуш" (М.Комилжонов асари, режиссёр Т.Исроилов), Андижон вилоятининг "Оқ халатли фаришталар" (Ф.Бобожонова, А.Асқаров), Қорақалпоқ мусиқий театрининг "Интилганга толе ёр" (П.Айтмуратов, Ж.Султабоев), Жиззах вилоятининг "Ер қадри" (М.Комилжонов, Х.Охунов), Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрининг "Эл меҳри" (Р.Ёриев, И.Айбатов), Фарғона вилоятининг "Бошқача одамлар" (О.Ҳакимов, С.Одилов, М.Юсупов), Наманган вилоятининг "Баҳор шамоли" (Н.Аббосхон, Х.Солиев), Каттақўрғон шаҳар театрининг "Жаннати аёл" (О.Мадатова, И.Абдуллаев) каби спектакллари, томошабинлар ва мутахассислар кўригидан ўтди.

— Танловда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган профессионал театрлар турли жанрдаги спектакллари билан қатнашмоқда, — деди "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. — Асарларни малакали мутахассислардан иборат ҳайъат баҳолайди. Муҳокамаларда эса соҳа вакиллари ва малакали мутахассислар иштирок этяпти. Ғолибларни аниқлашда спектаклнинг ғоявий-бадиий савиясига, маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятига, долзарблигига, замонавий мавзунинг қай даражада талқин этилгани, режиссёрлик ечими, актёрлар ижро маҳорати, мусиқа ва бошқа жиҳатларга аҳамият берилади.

Энг яхши спектакллар учун алоҳида мукофотлар таъсис этилган. Шунингдек, турли номинацияларда дипломлар ва эсдалик совғалари топширилади.

Бугун Ўзбек Миллий академик театри саҳнасида Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг "Нажот дарвозаси" (Н.Шодмонов, Ф.Бойназаров) спектакли намойиш этилади. Эртага Бухоро вилоятининг "Тўғон" (А.Ҳамро, У.Бақоев) спектакли билан танлов якунланади. Танлов ғолиблари эса Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида эълон қилинади.



**СУРАТДА: Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг «Оққуш» спектаклидан лавҳа.**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Навоий шаҳрида Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматов рассомнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан ишланган "Кўнгил камалаги ёҳуд Рўзи Чориевни эслаб" ҳужжатли филми намойиш этилди. Шундан сўнг улуғ санъаткор асарларидан иборат кўргазма очилди.

Рўзи Чориев хотирасига бағишланган бундай тадбирлар Сурхондарё вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида, Шеробод тумани мактабида ҳам бўлиб ўтди.

**Суннат АСТАНОВ**

### Билдириш

**Шу йилнинг 11 май, чоршанба куни соат 10.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Мажлислар залида Бадиий публицистика кенгашининг 2010 йил якунлари ҳисоботи ва келгуси иш режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтади.**

**Йиғилишга барча адабиёт ихласмандлари таклиф этилади.**

**Манзил: Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй, 6-қават.**

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси***

Бошланиши биринчи саҳифада.

# ИФТИХОР

Оҳангаронга қадар ва ундан Ангренгача бўлган йўлнинг икки тарафини безаган боғларни кўриб, Сариосиёда яратган ўнлаб боғларидан бирини "Президент боғи" деб атаган Носирхон ҳожи отани бежиз эсламадим. У киши сувсиз жойларда лалми боғ яратган бўлса, энди обиҳаёт ниҳоятда кам сарф бўладиган янги боғлар урф бўлаётир. Мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма ёши нишонланадиган йилда Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган янги боғлар ана шундай замонавий технология асосида ўстирилади ва қувурлардан борадиган обиҳаёт билан томчилатиб суғорилади. Қатраси олтинга тенг сувни тежайдиган, яна бунинг устига одатдагидан бир ярим баробар кўп ҳосил берадиган бу мевазорлар янги асрнинг боғлари, тараққиётимиз самарасидир.

Шу таассуротлар билан чўққиларини қор қоплаб ётган Қамчиқ довонини ошиб, Поп тумани ҳудудидан ўтаётганимизда яна янги боғларга кўзимиз тушди. Автоуловларга ёнилғи қуядиган бекат рўпарасидаги шу чоққача тап-тақир бўлиб ётган жойнинг тошлари терилиб, шудгорлаб қўйилган экан. Энди эса ип тортиб қатор оралари белгиланган жойларга ниҳол ўтқазилмоқда. Ўша куни ҳарорат ўттиз даражадан ошган, бироқ Чодактоғ томондан саррин ел эсиб турарди. Ҳашар йўли билан боғ яратаётган ёнилғи қуйиш бекати ишчилари цистернали машиналарда сув олиб келиб, экилаётган ҳар бир ниҳол жойини сувга сероб этарди. Боғ яратувчилар ишига барака тилаб, йўлимизда давом этдик. Йўллар атрофи эса бундай улуғ ишлардан кўркам тортиб, янада гўзаллашиб бораётганини ҳар қадамда ҳис этардик.

Демак, даъватда гап кўп, ташаббуснинг қаноти узун. Яхши ният амалга ошиши учун ҳам юрт оталарининг чорлови, "оқ йўли", улуғ ишларга сафарбарлик зарур экан. Буни мамлакат ҳудудларини бир-бирига боғловчи катта йўллар атрофида шу йилнинг ўзида барпо этилган янги боғлар тимсолидагина эмас, аҳолиси кўплиги билан пойтахтдан сўнг энг йирик бўлган Наманган шаҳри мисолида ҳам кўриб, ҳайратимизга ҳайрат қўшилди.

## Гуллар шаҳрига келинг

Наманганни қайта қуриш ва обод қилишга доир ишлар ҳақида ойнаи жаҳон орқали кўп эшитганмиз. Бироқ минг эшитгандан бир бор кўрган афзал деган ҳикмат топиб айтилган экан. Аввалги пала-партиш қурилган турфа иморатлардан торайиб, кўчалари тиғиз ҳолга келган шаҳар энди кўкрагини тўлдириб нафас олаётганга ўхшайди. Миллий банк ва "Наманган" меҳмонхонаси ёнида шоҳ кўча тусини олган бош кўчанинг ўзидагина эмас, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобуршоҳ, Намангоний, Дўстлик каби йирик кўчалар, ҳатто улар туташган ён кўчаларда ҳам қайта қуриш бормоқда.

Саёҳатимизни аэропорт ҳудудидан бошладик. Ҳаво дарвозасини шоҳ кўча билан туташтирувчи 1,4 километрлик йўл янги лойиҳа асосида ободонлаштирилиб, суғориш ва ёритиш тизимлари тўкис янгиланган. Атрофда барпо бўлган яшил ҳудудлар игна баргли дарахтлар, турфаранг гуллар билан ороланибди, зеболанибди. Яшил майдонларга туташиб кетган гилосзор боғларни кўриб, "Гуллар шаҳри боғ-шаҳарга ҳам айланибди", деб ўйлайсиз. Кўм-кўк япроқлари тиниқ кайфият уйғотадиган бундай гилосзорни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз. Мевазорлар туманлар билан туташ ҳудудларга ўзгача чирой бахш этган бўлса, шаҳарнинг ўзидаги истироҳат боғлари ҳам қайта қуришдан сўнг бутунлай янги манзарага эга бўлибди. Бобур боғи, Алишер Навоий театри ва театр майдони реконструкция ишларидан сўнг айниқса гўзаллашган. Шаҳарнинг жажжи фарзандлари яйраб ўйнаши учун қулай шароит яратиш мақсадида ёшлар мажмуаси "Кичкинтой" болалар боғига айлантирилмоқда. Бу ерда қайта қуриш ишларига мувофиқ хориждан олиб келинган ўттиздан ортиқ аттракцион ўрнатилмоқда, ҳайвонот боғи қурилиши ҳам якунланмоқда.

"Камолот" ёшлар боғи қурилишида эса 3,5 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилибди. Замонавий аттракционлар, гимнастика зали, сузиш ҳавзаси, мусиқа мактаби, "велотрек" иншоти ҳам ёшлар хизматида бўлади. Бундан ташқари, шаҳардаги собиқ маданият саройи мукаммал қайта қурилиб, ёшлар марказига айлантирилибди. Марказда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ўн бешдан ортиқ тўгараклар ташкил қилинган. Никоҳ маросимлари ҳам ана шу жойда ўтади.

Боғ сайридан сўнг бозорларни кенгайтиришга доир ишлар эътиборни тортди. Машҳур "Жаҳон бозори" янада кўркамлик касб этаётир. "Яшил бозор" майдони ва ундаги савдо ўринлари ҳам, хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам икки баробарга кўпайиб, гўшт-сут, полиз маҳсулотлари сотиладиган павилонлар, икки юз ўринли машина тўхташ жойи барпо этилибди. Бу ишларга 8 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган. "Чорсу", "Сардоба" ва бошқа бозорларни кенгайтириш лойиҳасида бир манзара кўпчиликка манзур бўлиши тайин. Яъни бозорлар биров-бировни туртиб ўтадиган уртиқилинч қиёфадан росмана бозор шаклига кирмоқда. Сотувчию харидор ҳам, узоқ-яқиндан келган меҳмону мезбон ҳам шарқона бозор маданиятидан баҳраманд бўлсин. У-бу сотаман, пул топаман, деган киши оёқ ости йўлкага ё дуч келган бошқа жойга саватини



қўйиб олавермасин. Гул ва дарахт ўсадиган ёхуд кексалар нафас ростлайдиган жойга қўли узун ҳар қандай кимса қўлбола дўконини тиклаб олавермасин. Бозор ҳам бедарвоза эмас.

Наманган шаҳрини янада обод қилишга доир ҳукумат қарори асосида шаҳардаги 9 мактаб, 19 та мактабгача таълим муассасаси, ўнта болалар спорт иншооти, 19 та соғлиқни сақлаш муассасаси капитал реконструкция ва мукаммал таъмирлашдан чиқарилибди, еттита мактабга янги спорт заллари қуриб берилибди. Стадион, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси ва махсус спорт залига эга бўлган "Спорт мажмуаси" қурилишида 14,5 млрд. сўмлик иш бажарилибди. Мажмуа ўн тўрт спорт тури билан шуғулланиш учун зарур спорт дастгоҳлари билан жиҳозланмоқда.

Баъзилар: "Бундай йирик кўламдаги реконструкция ишлари нега зарур бўлди", деб ўйлаши мумкин. Бизни шаҳарнинг янги манзараси билан таништираётган "Маҳалла" жамғармаси Наманган шаҳар бўлинмаси раиси Анваржон Насриддинов фикримизни уққандек, шундай деди:

— Транспорт қатнови ошгани, кўчалар тиқилинчлиги бугун барча шаҳарларга хос манзара. Бироқ бизда уч-тўрт сўтихлик каталакдек ҳовлиларда ҳам тўрт-бешталаб оила яшарди. Бу фақат санитария-ободончилик жиҳатидангина эмас, ижтимоий-маънавий борада ҳам ўткир муаммо эди. Тасаввур қилинг, ўша каталакдай жойдаги тўрт-беш оиланинг ҳар бирида беш-олтидан фарзанд бор, ота-оналарнинг ўз уй-жойига эга бўлишга доир неча йиллик орзулари бор. Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорининг асосий моҳиятида одамларга зарур ҳаёт шароити яратиш ва уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини тўкис таъминлаш бош масалалардан бири бўлиб турибди.

Шу мақсадда шаҳарда учта янги турар жой даҳаси қурилиб, зарур коммуникация тармоқлари билан таъминланди. Тўрақўрғон, Бобуршоҳ кўчалари, Сардоба бозори атрофларини кенгайтириш зарурати билан уч юз етмиш хонадон шу даҳалардан обод уйлар олаётир. Бош режага биноан тўрт километрлик Бобуршоҳ кўчасини обод қилишнинг биринчи босқичида ўттиздан ортиқ хонадон ўрнида 28 замонавий коттеж, иккинчи босқичда янги жойларга кўчирилган 182 хонадон ўрнида ўн олтита ҳар жиҳатдан қулай кўп қаватли уй-жой қад кўтармоқда. Учинчи босқичда 261 хонадон ўрнида ҳам шундай обод уйлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Собиқ ёғ заводи ўрнида тижорат банклари кредит маблағи ҳисобидан саккизта 190 хонадонли, "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси томонидан ҳам учта 33 хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Бобуршоҳ ва Тўрақўрғон кўчасига туташ жойдаги бузилган эски хонадонлар ўрнида қад кўтарган янги коттеж уйларни кўриб кўзимиз яшнади. Бу уйлар шаҳар бош режасига биноан тадбиркорлар томонидан замонавий услубда барпо этилаётир. Илк қаватларга савдо, маиший хизмат, эл эҳтиёжига зарур дўконлар жойлашса, юқори қаватлар шу хизматларни ташкил этган тадбиркорлар яшайдиган уй-жой. Ҳаммага қулай.

## Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг

— Кўрган кўзда ҳайрат уйғотадиган бундай бунёдкорликка боқиб халқимизнинг фикри ўзгарди, — дейди "Ишчи" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Зоҳиджон Аҳмедов. — Неча йиллаб тор жойда яшаб, кўзимиз ўрганиб қолган экан. Энди мана бу кенг кўчаю обод уйлар, спорт иншоотлари, боғ ва бозорларни айтинг. Маҳалламиз аҳли бу ишларда фаол иштирок этяпти. Фуқаролик жамиятининг асосий моҳияти одамларнинг умум ишига астойдил бел боғлашида намоён бўлмоқда. Айтайлик, гул кўчати етиштириш ва уларни шаҳар кўча-хиёбонларига экиб парваришлаш ёки кимгадир қурилишга яроқли ашёларни ташиб олишга кўмаклашиш бўлсин, ёхуд бирор кам таъминланган оила уйини таъмирлаш, саховат кўрсатиш бўлсин, ҳеч ким ўзини четга олаётгани йўқ.

— "Ёшлар" спорт мажмуи маҳалламиз ҳудудида жойлашган, — дейди маънавият бўйича маслаҳатчи Маърифатхон Мўминова. — Ҳар шанба куни ҳашарга чиқиб ободонлаштириш ишларига қарашамиз. Беш юз тупдан зиёд арча, қарағай, шунингдек, нок ва ёнғоқ кўчатлари экдик. Наманагансой ва Шимолий Фарғона канали атрофларини ободонлаштиришни ҳам оталиғимизга олганмиз. Ёдгорхон Ҳошимова, Раънохон Шерматова каби кўчабошилар бу ишларда айниқса фаол.

Боборахим Машраб бобомиз шу маҳаллада таваллуд топган эканлар. Маҳалла аҳли бундан фахрланади ва ҳар соҳада намуна бўлишга ҳаракат қилади. Тўйлар ортиқча ҳашамларсиз бир кунда ўтади. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган "Энг обод маҳалла", "Энг обод кўча", "Энг обод хонадон" кўрик-танловларида фаол иштирок этиш туйғуси ҳар бир фуқаронинг маънавий ҳаётига гўзал мазмун бағишлаяпти.

Анваржон Насриддинов шаҳардаги саксондан ортиқ маҳалла аҳли Наманганни янада кўркам ва гўзал манзилга айлантириш тадбирлари, ҳашарларда уюшқоқлик кўрсатаётганидан мамнун. Сўфизода, Авлиё домла, Исоқ Чўян номидаги маҳаллалар эса ниҳоятда серфайз. Анваржон бизни бу жараёнлардан воқиф этиш учун маҳалла кўчаларига ҳам таклиф этарди. "Кўчаларни ободонлаштириш ишини ҳам ўзимиз ташкил этамиз, қурувчи ёллаб зарур пардоз ашёлари билан таъминлаймиз, — дейди у. — Ҳар бир хонадоннинг кўча тарафи таъмирдан, ҳатто дарвозасигача бир текис бўёқдан чиқарилади. Улар икки-уч кунда кўз қувнайдиган даражада гўзаллашади. Аҳоли эса кетган харажатни қоплайди. Бунда фаолларнинг ғайрати, янгича фикрлаши қўл келмоқда".

Машраб боғи ва бошқа ҳудудлардаги бўш ётган баланд тепаликлар ёнбағри ҳам терраса усулидаги боғларга бурканганини кўрдик. Одамлар шаҳардаги янгиланишлардан бениҳоя мамнун. Шоира Дилбар Ҳайдарова Наманган васфида янги шеърлар ёздим, газетангизда чиқарасизми, деса, хонанда Маъруфхон Орипов, фермер Омонулла Исматуллаевлар шу кунларга етказган истиқлолимиздан ўргилай, дейди. "Ишчи" маҳалласи фаоли Раҳима Мамедова: янги қурилишларда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Бу ўзгаришларни кўриб, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ҳашарларга киришиб кетди. Бундай уюшқоқлик одамларни бирлаштирмоқда. Бизни шундай улуғ ишга чорлаган Юртбошимизга раҳмат, дейди.

## Баҳрамандлик

Янги боғлар икки-уч йилдаёқ ҳосилга кирар экан. Бироқ менинг назаримда бу боғлар аллақачон ҳосилга киргандай. Бу боғлар ҳозирданоқ шу йўллардан дарё мисол туну кун оқиб ўтувчи турнақатор уловларда бораётган одамлар кўзини яшнатиб, ўз манзараси билан дилларни чароғон этаётир, орзуларга эш бўлаётир. Шундай улуғ юртда туғилганингдан ифтихор уйғотиб, Ватан учун жон куйдириб яшаш туйғусини камол топтираётир. Ахир янги боғлар ҳосилидан, истиқлолимиз мевасидан баҳрамандлик шу эмасми!

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

## Доимий ҳамроҳ

Ўзбекистон қадимдан улуғ олимлар, шоир ва адиблар ватани, жаҳонга буюк мутафаккирлар етказиб берган ота макондир. Бундан тўққиз аср муқаддам яшаб, ўз даврида "араблар ва ажамлар устози", деган шарафли номга мушарраф бўлган ватандошимиз Абул Қосим Маҳмуд ибн аз-Замахшарий ўзбек элидан етишиб чиққан ана шундай алломалардан биридир.



Дастлаб хоразмлик олимлардан, кейинчалик Бухорода илм олган, Марв, Нишопур, Дамашқ, Бағдод, Макка ва Ҳижозга сафар қилган Замахшарий араб тили ва адабиёти, нотиқлик санъати, шеърият, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид элликдан ортиқ асар яратган. Бу асарларнинг аксарият қисми бизгача етиб келган. Яқинда Тошкент "Extremum press" нашриётида Маҳмуд Замахшарийнинг "Олтин шодалар" китоби нашрдан чиқди. Китобда алломанинг панд-насиҳатлари, ҳикматли сўзлари жамланган. Бу китоб олмон ва француз тилларига ҳам таржима қилинган бўлиб, Вена, Штутгард, Париж, Байрут ва Мисрда чоп этилган. Шунингдек, "Олтин шодалар" 1987 йили Анқарада Раҳмий Сирин таржимасида нашр қилинган.

Олимлар Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим ана шу асарни туркча нашрдан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилганлар. Ахлоқий мавзулардаги теран фикрлар жамланган мазкур нашр, айниқса, ёш авлод тарбиясида ўзига хос қўлланма бўлади, дейиш мумкин.

Китобга улуғ аллома Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва ижоди ҳақида академик Алийбек Рустамий сермазмун сўзбоши ёзган. Нашр муҳаррирлари Юсуф Музаффар, Лутфулло Маҳмуд. Адади беш минг нусха.

**Анбара ОТАМУРОДОВА**

## Журналларни варақлаганда

## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

### 2011 йил, март ойи сони



Атоқли ҳинд адиби Кришан Чандарнинг "Бир қизга минг ошиқ" романи ўзбек китобхонлари орасида ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ машҳур эди. Чунки бу асар 1965 йили рус тилидан таржима қилиниб чоп этилганди. Таниқли таржимон Амир Файзуллаев ушбу романни бевосита ҳинд тилидан таржима қилиб, журналнинг мазкур сонида китобхонларга туҳфа этди. Ж.Жойснинг "Улисс саргузаштлари" романининг давомини ҳамда инглиз адиби Томас Ҳардининг "Уч мусофир" ҳикояси (русчадан Дилдора Алиева таржимаси) ҳам "Наср" рукнида берилган.

"Шеърият минтақаларида" шоир Носир Муҳаммаднинг жаҳон халқлари шоирлари ижодидан қилган таржималари (И.Р.Бехер, Л.Украинка, Г.Абашидзе, Э.Межелатис ва бошқалар) ҳамда украиналик шоир Зинаида Бикова шеърлари (Файзи Шоҳисмоил таржималари) билан танишасиз. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан Мирпўлат Мирзо суҳбати ҳамда М.Мирзонинг "Ҳошияга битилган қайдлар" сарлавҳали кузатувлари атоқли шоиримизнинг ижод йўли, бадиий-эстетик қарашлари, мутолаа маданияти, айрим асарларининг яратилиш тарихи, бугунги ўй-хаёллари ҳақида кенг тасаввур беради.

Анна Саксенинг инсон ва табиат мавзусидан баҳс этувчи "Гулдан келур муҳаббат бўйи" лирик бадиалари (русчадан Назира Жўраева таржималари), Маҳкам Маҳмудовнинг "Форобий ва Арасту "Поэтика"-си", Ортиқбой Абдуллаев таржимасида берилган Лев Толстойнинг кундаликларидан парчалар, "Барҳаёт сиймолар" рукнидаги Шарль де Голлнинг "Зулматни ёритувчи нур" фалсафий новелласи (нашрга тайёрловчи Акмал Саидов) журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган. Шунингдек, Маҳмуд Абдумалик Ийднинг "Ажаб дунё" қиссасини ўқиб", Муҳаммади Жумановнинг "Камолот йўли" тақризларини, Азиз Саиднинг "Китоблар дунёси"га доир хабарларини ҳам ўқийсиз.

## ШЕЪРИЯТ МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги юксалиш ва янгиланишлар маънавиятда, адабиётда ҳам ўз ифодасини топаётир. Адабиётда энг долзарб ва тез кўзга ташланадиган жанр бу шеъриятдир. Давлатимиз раҳбарининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласидан келиб чиқадиган вазифалар шеърият аҳли томонидан қай даражада уддаланмоқда? Интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри, ҳаёт кун тартибига қўяётган муаммолар ечими, замон руҳи, замондошларимиз ҳис-туйғуси, орзу умидлари инсон юрагининг таржимони бўлган шеъриятимизда қандай акс этаётир?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгашининг 2010 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида ана шу масалалар қизғин муҳокама қилинди. Йиғилишни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов очди. Ўтган йилги шеъриятнинг кичик жанрлари бўйича эълон қилинган асарлар ҳақида адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, достонлар бўйича Адҳамбек Алимбеков, мумтоз шеъриятимиз анъаналари, аруз вазнида яратилган шеърлар юзасидан Нурбой Абдулҳаким маърузалари тингланди.

Шеърият кенгаши раиси Маҳмуд Тоир кенгашнинг ижодий иш режасида савияси саёз китоблар чоп этилишига барҳам бериш, шеърий асарлар муҳокамасини мунтазам ўтказиб туриш борасида нашриётларнинг мутасаддилари билан, шунингдек Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликни кучайтириш кўзда тутилгани ҳақида гапирди. Мумтоз шеърият намояндалари ҳамда замонавий шеъриятимиз вакиллари асарларининг электрон дастурларини яратиш борасида фаолият олиб борилаётгани таъкидланди.

Маърузаларда кўтарилган масалалар бўйича шоирлар Мирпўлат Мирзо, Саъдулла Ҳаким, Шарифа Салимова ва бошқа ижодкорлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

## Ёзувчилар уюшмасида

## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўтган 2010 йилда адабий нашрларимизда ўнга яқин роман, ўн олтита қисса, етмишга яқин ҳикоя эълон қилинди. Тўғри, адабиёт тараққиётини белгилашда миқдор ва рақамлар асосий мезон бўлолмайди. Бироқ, шунга қарамай, адабий сермаҳсулликда ҳам муайян ҳикмат бор. Демак, изланиш давом этмоқда, асарлар яратиляпти. Изланиш, саъй-ҳаракат бардавомлиги эса, алалоқибат, биз кутган юксалиш ва тараққиётга олиб боради...

Яқинда бўлиб ўтган Наср кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишини кенгаш раиси Улуғбек Ҳамдам очиб, йиғилиш қатнашчиларини ўтган йилги насрий асарлар таҳлилида холис бўлишга чақирди. Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид ўз сўзида мустақиллик йилларида насримизда жиддий сифат ўзгариши юз берганлиги, янги давр прозаси юзага келаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, кейинги икки ўн йилликда адабиётимизнинг мазкур йўналишида ҳам шаклан, ҳам мазмунан жиддий янгиланишлар бошланди. Эндиликда адибларимиз асосий эътиборни муайян мавзуларни ёритишга эмас, балки инсон қалбини, унинг маънавий дунёсини тадқиқ этишга қаратаётганлиги кузатилмоқда. Ўтган йили чоп этилган романлар юзасидан филология фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев, қиссалар ҳақида филология фанлари номзоди Абдулла Улуғов, ҳикоячилик бўйича ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммадлар ўз маърузаларида сўз юритдилар.

Шундан сўнг сўзга чиққан таниқли адабиётшунос олимлар, адиблар А.Расулов, И.Ғафуров, Э.Самандаров, У.Норматов, О.Мухтор, Ш.Ризаев, Р.Отаев, Р.Раҳматов ва бошқалар маърузалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бугунги ўзбек насрида кўзга ташланаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, таниқли ва ёш адибларнинг энг сара асарларини бошқа тилларга ҳам ўгириб, хориж китобхоналарига тақдим этиш борасида муайян таклиф ва истакларини ўртага ташладилар.

## "ГУЛИСТОН"

### 2011 йил, 2-сон

Журналининг янги сонидаги "Юртим жамоли" сарлавҳали суратли илк саҳифада чирой очаётган қишлоқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Журналист Уйғун Рўзиевнинг "Орзу-умидлар барқ урган маскан" мақоласи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган. Шунингдек, ушбу сондан маданият ва санъатга оид мақолалар ўрин олган. Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта ўқитувчиси Н.Намнинг "Бастакорлик ижоди", Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби катта ўқитувчиси Н.Ҳошимованинг "Симметрия — эстетик мувозанат", Тошкент Давлат маданият институти доценти М.Исмоиловнинг "Саҳна мўъжизаси" ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта ўқитувчиси Х.Ҳасанованинг "Болалар қўшиқчилигида миллийлик ва замонавийлик" мақолалари шулар жумласидандир. Тадқиқодчи Н.Сайфуллаевнинг "Театр санъати ҳамиша долзарб" мақоласида юртимиз театрларининг ютуқ ва муаммолари ҳақида фикр юритилади.



"Юрт бўйлаб" рукнида республикамиз коллежлари ҳаётидан лавҳалар берилган. Н.Қодировнинг "Файзиёб умр йўли" очерки ғижжак устаси Ғуломжон Ҳожиқулов ҳақида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"га бағишланган И.Рустамова ва О.Қаҳҳорованинг "Имконият", О.Ваҳобованинг "Кичик тадбиркор" мақоласи эълон қилинган. Ҳ.Эрматовнинг "Устоз" очеркини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

Ф.Ҳамроева тайёрлаган "Илҳом ташрифи" саҳифаси буюк ижодкорларнинг илҳом ва ижодга муносабатлари ҳақида ҳикоя қилса, Б.Рўзимуҳаммад "Ҳаракатчан тимсоллар" тақризида шоира А.Умирова ижодига назар ташлайди. С.Бекмирзаеванинг "Онаизор" бадеаси, Ўзбекистон миллий университети талабаларининг мушоираси, Ўзбекистон халқ артисти Б.Ихтиёров билан М.Шамснинг суҳбати журнал мазмун-мундарижасини бойитган.

## ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА ТОМОША САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

Навоий шаҳрида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлар" республика фестивали бўлиб ўтди.

Номоддий маданий меросни сақлаш, бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг томоша санъати ва қадимий миллий ўйинларини тиклаш, ёшларнинг бунга қизиқишларини кучайтириш ва янги номларни кашф этиш мақсадида ўтказилган тадбирда миллий халқ ўйинлари гуруҳлари, дорбозлар, цирк жамоалари, қизиқчилар, лапар, ўлан, аския, оммавий ва якка рақс ҳамда ашула ижрочилари қатнашди.

Миллий халқ ўйинлари бўйича Андижон вилояти бадиий жамоаси, Булунғур тумани "Чавқи" фольклор-этнографик халқ ансамбли, дорбозлар ичида Пахтаобод туманидан "Мадамин дорбоз", Наманган вилояти "Норин дорбозлари", анъанавий цирк санъатида Фарғона вилоятидан "Водил чинори", Нуротадан "Комил қизиқ" гуруҳлари, лапар ва ўланчилардан Андижон вилояти ўланчилари, Ангрендан Турдиали Пардаев бошчилигидаги ўланчилар гуруҳи, аския ижрочилигида Қорасув шаҳридан Муҳиддин Султонов бошчилигидаги гуруҳ, Учқўприк туманидан Мансуржон Охунов ва Содиқжон Ҳасанов, қизиқчиликда Тошкент вилоятидан Рўзибой



Холматов, Когон туманидан Салоҳиддин Файзиев, оммавий ва якка рақс ижрочилигида Олмалиқ шаҳридан "Шаҳноз", Бухородан "Лола" рақс ансамбллари, Янгиқўрғон туманидан Рухсора Айтмирзаева ўз дастурлари билан барчага ўрнак бўлдилар.

Айниқса, икки-уч ёшли иштирокчилар — Пахтаобод туманидан Муҳаммадамин Ўктамжонов, Қўқондан Муҳаммадюсуф Муҳаммаджонов, Намангандан Жавоҳир Бекмирзаев, Сирдарёдан Гўзал Мўйдинова ва бошқа истеъдодли болаларнинг дадил чиқишлари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

"Бундай фестиваллар унутилаёзган халқ ўйинларини тиклаш, халқ томоша санъатини ривожлантиришда, қадимий анъаналаримизни авлодларга етказишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз, — деди фестивал ҳайъати аъзоси Жаббор Эшонқулов. — Энг муҳими, тадбирда юртимиз келажаги — жажжи болаларнинг қатнашгани бўлди".

Фестивал ниҳоясида жамоалар ва қатнашчиларга диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Умида НУРМЕТОВА**

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

# ШОИРНИНГ БУҒДОЙ СЎЗИ

Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин, дейди халқимиз. Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла ҳам буғдой нони, ҳам буғдой сўзи бор ижодкор эди. У 1969 йили илк "Океандан шабадалар" (шоир Усмон Тоштемир билан ҳаммуаллифликда) тўпламидан кейин "Баҳор билан суҳбат", "Яна остонангизда", "Эҳтиром", "Нур қадри", "Кўчамдан жонон ўтганда", икки жилдли "Танланган асарлар", "Истиқлол достони" сингари китобларини яратиб, эл-юрт назарига тушди. Халқимизнинг кўнглидаги ҳақиқатларни шеърга солган, бадиий тасдиқлашга эришган ("Туғилган йилим" номи билан "Онаизор", "Туғилган йилим", "Тирик қурбонлар" поэма-трилогияси, "Еттинчи қитъа", "Дўст қадри", "Адиб тақдири" каби) достонларини чоп эттирди. Драмалари театрлар саҳнасини безади ("Юсуф ва Зулайҳо", "Меҳр қуёши", "Раҳмат, иғвогар", "Кашмир қўшиғи" — Шароф Рашидов достони асосида).

Адибнинг адабиёт ва санъат, маданиятнинг долзарб масалаларига бағишланган адабий суҳбатлари, публицистик мақолалари, интервюлари, чиқишлари ҳам кўламли. Улар шоирнинг қизиқишлари қамрови нечоғли кенглигини кўрсатиш баробарида, адабиётнинг деярли барча тур ва жанрларида самарали изланишлар олиб борганлигини ҳам тасдиқлайди.

Ҳабиб Саъдулланинг ижоди инсонни, табиат ва жамият ҳодисаларини ўзига хос ҳабибона тушуниш ҳамда тушунтиришида энг муҳим жиҳат маънавий-ахлоқий гўзаликка йўғрилган нуқтаи назарнинг устуворлигидир. Йиллар, ўн йиллар, даврлар ўтади, ижтимоий воқеликлар, дунёқарашлар алмашинади, лекин инсоннинг маънавий-ақлий комилликка қаратилган майли, рағбати ҳамиша ёқут мисоли ловуллаб туради. Асло сусаймайди, сўнмайди; доимо такомиллашиб боради. Ушбу жараёнда у инсон юксак одамийлик хислат-хусусиятларини намоён этаркан, уни ўз ҳаёти, эътиқоди, фаолиятининг аниқ мазмуни ила омухталикда кўрсатади. Шу боисдан шоир инсон закосига ниҳоятда юксак эҳтиром кўрсатади. Инсоннинг ўзи, сўзи, амали қадр топган юртда эзгулик, гўзаллик ва ҳақиқат гуллайди, дейди.

Унинг шеъриятида ҳаёт, тириклик, умр қадри масаласи юксак ахлоқий-интеллектуал бойликларнинг тимсоли, кўркам кўриниши тарзида тараннум этилади. Олижаноб, адолатпеша жамиятдагина маънавий гўзаллик ҳақиқатнинг тийрак кўзларига айланади, деб билади шоир.

**Шерик бўлолмасанг ўзга ғамига,**
**Бирга кулолмасанг шодон дамида.**
**Тирикман, дейишда маъно бормикан,**
**Тирикмикансан?!**

Шоирнинг лирик қаҳрамони адолат ва эзгулик хизматида ҳамиша камарбаста. Одамларга яхшилик қилиш, юмушига яраш, оғирини енгиллатиш сингари амалларни умрининг, тириклигининг бош аъмолига айлантирган ("Сенга хизматкорман. Сенга фарзандман, Фақат яхшиликка мен камарбандман. Қошингда турибман, қўлим кўксимда, Сенинг хизматкоринг бўлиб яшайман"). Лирик қаҳрамон оламга боқиб, табиат ҳодисаларидан ибрат, ҳикмат ўқийди. Қуёшнинг иши шуъла, учқун сочмоқ. Бир дақиқа ушбу амалидан чалғиса, олам зулмат-зимистонга чўмади. Шунга монанд, агар одамлар бир-бирига яхшилик, эзгулик тиламаса, бу кўҳна олам чок-чокидан титилиб кетарди. Яхшиямки, одамлар кўксида эзгулик нури мавжуд. У ҳамиша ҳаётсеварлик, инсонпарварлик мевалари билан тириклик боғларини яшнатиб келаётир.

Ақлий-ахлоқий, маънавий қадриятлар миллий ҳаётий мазмун билан тўйинган, бойиган пайтдагина умумбашарий моҳият касб этади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳаётда, одамлар турмушида меҳр-оқибат, яхшилик нондек азиз ва мукаррам экан, бу — тирикликнинг чандон гуллаган ҳақиқатидир, дейди. Мабодо, турмушдан яхшиликлар тахчиллашса, "ҳаётда қолмасди заррача маъно", дея уқтиради.

Шоир шеъриятидаги мазкур бадиий тадқиқотчилик маданияти реал турмуш манзараларидан, ҳаётий ҳақиқатларидан сизиб чиққанлиги боис кўнгиллардан жой олади. Одамнинг ўзи ва сўзи қадрланиши учун, аввало, у ҳаётни, тириклигини қадрлай билиши керак, деган бадиий-эстетик концепция Ҳабиб Саъдулла шеъриятининг гуманистик мазмунини, инсонсеварлик моҳиятини тайин этади.

Ҳабиб Саъдулла шеърларининг ҳар бир мисрасида одамларга нисбатан самимият ва муҳаббат жўшиб туради. Одамлар ўртасидаги меҳр дастурхонидан яхшилик, қадр-қиммат, эътибор ва эҳтиром сингари кўнгил нурларини нондек ушатиб ейишини, бирга баҳам кўрилишини ёниб-ёзғириб куйлайди. Саховат, ҳиммат, ҳалоллик ва бокиралик кўнгил деб аталган беадад боғларнинг ларзон мевали дарахтлари бўлиб қолишидан у умидвор. Нондек азиз, қадр топган тақдирдагина одам насли бу ёруғ дунёнинг сўнмас гули бўлиб қолади, дея таъкидлайди. Лекин дунёда ҳалиям хиёнат, макр, риё, қабиҳлик, зино-залолат, ёвузлик уруғи қуриб битганича йўқ.

Бири кам дунё, деганлари балки шумикан?! Одам насли комиллик маснадига етишгандагина бу дунё ҳам мукаммалликка етишгусидир; тўрт кўз тугаллиги қарор топгусидир.

**Ёруғлик бўлиб дилларга сингиб кетгумдир,**
**Шундан ҳаёт осойиши, қўним ва унум.**
**Ҳаёт бўлиб ўлим хавфин барбод этгумдир,**
**Онажоним, шу эмасми ёнингиздалигим?!**

Ниятинг умрингга йўлдош, дейишгани бежиз эмас. Эзгу ният одамларнинг кўзларидан нур бўлиб таралади, сўзларидан ёғилади. Ёвузликнинг илдизи, хиёнат-риё, макрнинг шум қадамлари ана шу асноларда қирқилади. Эзгуликнинг гуллаши разил ниятларга қафасдир, дейди шоирнинг лирик қаҳрамони.

Одамлар феъл-атворидаги, фаолиятидаги жўмардлик, олижаноблик, яхшилик унсурларини акс эттириш Ҳабиб Саъдулла асарларининг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди. Мазкур инсонпарварлик хислат-хусусиятлари миллатсеварлик билан ватанпарварликнинг таркибий қисми, ўзак мағзи сифатида тушунтирилади. Бу — шоир асарларида бадиий пафосга айланган юксак мақомдир.

Мазкур хусусиятлар шоир асарларининг бадииятини белгилаш баробарида ижтимоий мундарижасини ҳам англатади. Хусусан, ижтимоий руҳ бу — Миллат ва Ватан манфаатлари билан уйғунликда зоҳир бўлаётир. У бир олманинг икки бўлагидек, бир мағизнинг икки палласидек яхлит ва бус-бутун. Зеро, миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар алқанган, улуғланган жойда умумбашарийлик маснади бўй кўрсатади.

Имон-эътиқод бутунлиги ва бокиралиги Ҳабиб Саъдулла шеърларию достонларининг етакчи ғоясини ташкил этади. Одамлар шахсият ва жамият маънавиятидаги инсонсеварлик хусусиятларини олқишлаш, бадиий-публицистик йўсида ёритиш шоирнинг лиро-эпик жанрдаги изланишларига ҳам алоҳида кўрк бағишлайди. Замон руҳи, даврга ҳамнафаслик шоир асарларидаги қайноқ ва жўшқин туйғулар табиатини кўрсатади. Ҳис-туйғулари, тафаккур-кечинмалари замонанинг муҳим маънавий-ахлоқий, ижтимоий масалаларини ёритишда намойиш топади. Шоир достонларининг номланиши ҳам бунинг ёрқин далилидир. "Замин садоси", "Дўст қадри", "Онаизор", сингари лиро-эпик асарлари, "Инсон гўзаллиги", "Ажаб ҳикмат", "Ўзбекистон деган жаннат бу", "Истиқлол қўшиғи" шеърлари номланишиданоқ бугунги воқеликнинг долзарб масалаларини бадиий-публицистик тадқиқ этишга сафарбарлигидан шаҳодатлик беради.

Она ўлкамизда, мустақил Ватанимизда жўш урган кўтаринки бунёдкорлик, маънавий ҳаётнинг ижтимоий-ахлоқий масалалари, пахтакорлар, меҳнат кишиларининг фидойи фаолияти — барча-барчаси шоир ижодининг қамрови нечоғли кенглигини кўрсатади. Ҳабиб Саъдулла асарларининг ижтимоий аҳамияти ана шу бадиий туйғунинг ўткирлиги, муҳимлиги, мазмунан теранлиги билан белгиланади. Шу маънода биргина "Истиқлол қўшиғи" шеърини мисол тариқасида келтириб ўтиш ўринлидир.

**Муқаддас бўлса гар Ватан туйғуси,**
**Муқаддас сақлайлик аждодлар руҳин.**
**Муқаддас бўлса гар элнинг келгуси,**
**Қонларда жўш урсин бирлик шукуҳи.**
**Кимда заковатдан устун келиб нафс,**
**Қай бир томирида урса ҳаром қон,**
**Ватанни ўша нафс йўлида эмас,**
**Нафсин Ватан учун қилолсин қурбон.**
**Зотан, баднафслардан асрамоқ учун**
**Истиқлол аталмиш доруломонни,**
**Йиғиб ғурур, ақл, бирдамлик кучин,**
**Энди авайлайлик Ўзбекистонни.**

Кўринадики, шоир шеърияти гуманистик ғоялар, олижаноб туйғулар билан суғорилган. Инсон умрининг мазмунида, ҳаётга, воқеликка, замондошлари туриш-турмушига муносабатда шоир халқимизнинг маънавий-ахлоқий гўзаллик ҳақидаги қарашларини акс эттирган. Ақлий етуклик, ахлоқий тўкислик — бу эл-юрт корига ярашда, миллий юмушларига камарбасталикда ёрқин намоён бўлади. Ҳабиб Саъдулла асарлари, ғоявий-бадиий сафарбарлигига кўра, том маънода покиза виждон ишига айланганлигини тасдиқлайди.

Шеърият зинҳор ахлоқ мажмуаси бўлмаган, бўлмайди ҳам. Унинг зиммасидаги долзарб ижтимоий-ахлоқий масалалар инкишофи одамларни гўзаллик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу маънода шоирнинг икки жилдли "Танланган асарлари"га жамланган шеър ва поэмалари, "Истиқлол достони" ижтимоий шеъриятнинг эътиборли намуналаридир. Улардан бугунги куннинг қайноқ нафасини, XXI аср тонги — Мустақиллик даврининг қувонч-ташвишларига юрак қон томирини улаган замондошимизнинг қалб зарбларини туямиз.

Демак, Ҳабиб Саъдулла шеърлари, поэмалари ва умуман, икки жилдли "Танланган асарлар"и, "Истиқлол достони" шаклини олган ижоди мустақиллигимизнинг гуманистик-инсонпарварлик ғояларини, гўзаллик идеалларини ўзида ташиб келади, мустақиллик даври ўзбек шеърияти образлар тизимида фаол, курашчан, жўшқин замондошларимиз табиатини тажассум этади.

**Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

Сиймолар

# АДИБНИНГ БОҚИЙ УМРИ

Мирмуҳсин ака камтарин ва заҳматкаш, бағрикенг, олижаноб ижодкор эди. У оддий бир меҳнаткаш инсон сифатида яшаб ўтишни орзу қиларди. Чунончи, "Инсоний умр" шеърида чин кўнгилдан:

**Совуқ минг йилларни кечирсин зоғлар,**
**Бизга бир инсоний умр кифоя! —**

деб ёзиб, ўз ҳаётий эътиқодини самимий баён этган эди.

Адиб бир инсоний умрни орзу қилар экан, уни эзгу ишларга бағишлашни, ўзидан яхши ном қолдиришни асосий мақсад, деб билди. Инсоний умрнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида ҳаётбахш фалсафий ўйлар, орзу-умидлар билан яшаган шоир ўз эътиқодига содиқ яшади, эзгу ниятларига етди. Саксондан ошиб, тўқсонга яқинлашганда оламдан ўтди, мазмунли умр кечирди, илҳом билан ижод қилди. Ҳароратли шеърлар, достонлар, қисса ва романлар ёзди. Ҳалол ижодий меҳнатлари учун "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" унвони, орденлар, медаллар билан тақдирланди. Узоқ йиллар "Шарқ юлдузи", "Муштум", "Гулистон" журналларига муҳаррирлик қилиб, ўзбек адабиётининг ривожланишига фаол ҳасса қўшди. Ўнлаб шогирдларига ҳомийлик қилди. Яхши оилага бош бўлиб, муносиб фарзандлар тарбиялади.

Мирмуҳсин дастлаб шоир сифатида танилган эди. Аммо у бир қўр тенгдошлари – Шуҳрат, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор каби шоир ва ёзувчилар билан адабиёт остонасига қадам қўйган йиллар машъум қатағон даврига тўғри келди. Кечагина ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузлари бўлиб турган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту, Усмон Носир "халқ душмани", "миллатчи", "сотқин", деган сохта уйдирмалар, қуруқ туҳматлар билан қатлиом этилгани, миллатнинг гули, гултожи ҳисобланган улкан олимлар, давлат арбоблари, санъаткорлар, мутахассислар зўравонлик билан йўқ қилингани бугун ҳаммага маълум. Шўро сиёсатчилари кўнгил мулки бўлмиш адабиётдек дахлсиз дунёни, сирлар-сеҳрлар оламини асоратга солиб, ижод аҳлини ўз измига бўйсундиришга, ўз хоҳиш-истакларини қулоқ қоқмай тарғиб қилувчи карнайвозларга айлантиришга қаттиқ уринди.

Мирмуҳсин ака ҳам барча ҳамкасблар сингари оғир замон синовларини енгиб яшашга, ижод қилишга мажбур бўлди. Табиийки, унинг 40 — 50-йиллардаги ижодида, айниқса, шеъларида мураккаб тузумнинг таъсирини, замонасозликни кўриш мумкин. Бугунги кунда бу тарихий ҳодисага тўғри тушуниб, баҳо бериш лозим. Зеро, ҳар қандай ижодкор ўз даврининг умумий йўналишидан, асосий воқеалар руҳидан четда яшаши, унда қандайдир даражада иштирок этмаслиги мумкин эмас.

Мирмуҳсин аканинг илк китоби "Вафо" тўпламига кирган лирик шеърлари, "Қамар" достони ва "Қизил олма" балладасига хос асосий фазилатлар соддалик ва самимийлигида кўринади. Шоир ана шу икки жиҳатни ўз ижодий дастурига, асл эстетик мезонига айлантириб олган эди:

**Яхши сўз безашни қилмайди талаб,**
**Содда гап аълодир, бу сенга аён.**
**Қанча жимжимадор сўзларни қалаб,**
**Чулдираб тилимни қилмайман баён.**

Адиб бу ҳаётбахш меъёрга бир умр содиқ қолганини "Қалб ва фалсафа", "Широқ", "Ирмоқлар", "Тонгни қутлаб" сингари ўнлаб шеърий тўпламлари, "Уста Ғиёс", "Дўнан", "Широқ", "Авесто", "Невара" достонлари, "Бобур ва бир тилим Фарғона қовуни" балладасини ўқиганда яққол ҳис қиламиз. Унинг шеърларида она-Ватанга юксак муҳаббат, меҳр, садоқат, эзгулик, олижаноблик каби соф инсоний туйғулар жўш уриб туради.

Айни пайтда, адиб яшаган замондаги ҳукмрон ижодий тамойиллар адабий жараёнга салбий таъсир кўрсатиб, кўнгилдаги барча туйғуларни очиқ ифодалашга йўл қўймаётганидан ўкинади ва дил розларини мажозий-рамзий воситаларда эҳтиёткорлик билан баён қилишга уринади:

**Мақом ожиз, лабимдаги най ожиз,**
**Дилни селдай тоштиролмас куйларим...**

Мазкур самимий эътироф замирида ҳам ҳаётий зиддиятларга нозик ишора бор, деб бемалол айта оламиз.

Адибнинг "Дўнан", "Яшил қишлоқ", "Невара" достонлари, "Зиёд ва Адиба" шеърий романи ҳам ўқувчилар томонидан яхши қабул қилинди. Заҳматли меҳнат, изланиш, ўрганиш ана шу йилларда шоирга катта шуҳрат келтирди. Буни машҳур рус ёзувчилари А. Фадеев, Н. Тихонов, С. Шчипачевларнинг самимий эътирофлари ҳам тасдиқлайди. Айниқса, атоқли шоир Ғафур Ғулом Мирмуҳсинга бағишлаб "Кулол ва заргар" шеърини ёзгани, "Мирмуҳсин ҳақида" мақоласида уни: "бу шоир адабиётда туғилгандан буён муборак касбимизга ихлоси билан, тинмағурлиги билан ажралиб туради", деб эъзозлагани қувончли ҳодиса эди. Аллома шоир шу мақоласида "Уста Ғиёс" достони, "Зиёд ва Адиба" шеърий романи, "Жамила", "Чўри", "Тунги чақмоқлар" қиссалари, "Араб ҳикоялари" туркуми, "Чиниқиш" романи ҳақида илиқ гаплар айтади, бир талай ҳажвий ва жиддий ҳикоялар, кўп-кўп яхши шеърлар ёзганини мамнуният билан қайд этади.

Адибнинг китобхонларга манзур бўлган "Умид" романига ҳам ҳамкасблари, қаламкаш дўстлари юқори баҳо бергани ибратлидир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад "Давр нафаси" мақоласида мазкур роман ҳақида шундай ёзади: "Мирмуҳсиннинг "Умид" романи, шубҳасиз, ўқувчи қўлидан қўймай ўқийдиган яхши китоб...

"Умид"нинг тили ниҳоятда ширали. Ёзувчи ҳар бир персонажга унинг хусусиятига қараб тил танлаган. Шунинг учун ҳам бу асар ўқувчи қалбига йўл топган". Атоқли ёзувчининг бу эътирофи ҳам Мирмуҳсин асар устида қанчалик ишлаганини яққол кўрсатиб беради.

Она-юртимизни, халқимизнинг шонли тарихини улуғлаш ва ҳаққоний тасвирлаш Мирмуҳсиннинг энг севган, истеъдоди ёрқин намоён бўлган мавзулардан саналади. У умрининг сермаҳсул, айни кучга тўлган йилларини ўзбек халқининг олис ўтмишидаги нурли саҳифалар ҳамда қоронғи, мусибатларга тўла дамлари ҳақида шеърлар, балладалар ("Луқмон ва Ўроқбой", "Ибн Сино ва томоғига суяк тиқилган подшоҳ", "Бобур ва бир тилим Фарғона қовуни"), достонлар ("Широқ", "Авесто"), қатор қиссалар, романлар ("Меъмор", "Темур Малик") ёзишга бағишлади. Бу асарлар уни чинакам халқ ёзувчиси даражасига кўтарди, эл эъзозига мушарраф қилди.

Адиб тарихий мавзуда ҳам юқорида баён қилинган ижодий эътиқоди, бадиий меъёрларига содиқ қолди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари оддий меҳнаткаш одамлар. Бири моҳир хаттот, бири меъмор, бири қурувчи, бири жангчи... Муҳим жиҳати шуки, адибнинг асосий қаҳрамонлари (Широқ ва Темур Маликни ҳисобга олмаганда) реал тарихий шахслар эмас. Ёзувчининг асарларида севиб, меҳр билан тасвирланган шундай фидойи инсонлар, номсиз қаҳрамонлар минг-минг йиллик тарихимизни безаб турмайдими? Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида минглаб, бугун номини ҳеч ким билмайдиган қаҳрамонлар мардона курашмадими? Улар ўз ризқи-рўзини ҳалол меҳнат қилиб топган, виждонига, имонига хиёнат қилмай яшаган фидойи ватандошларимиз эди.



Мирмуҳсин яратган тарихий қиссалар ва "Меъмор", "Темур Малик" романларининг муштарак фазилатларини ягона бир нуқта – она-юртга фидойилик, чинакам ватанпарварлик, жасорат, мардлик бирлаштириб туради. Юксак нафас, енгилмас руҳ Мирмуҳсин яратган тарихий асарлардаги барча қаҳрамонларга хос муштарак фазилат, десак муболаға бўлмас. Бунга тўла ишонч ҳосил қилиш учун биргина "Темур Малик" романидаги Абдулқодир Мунший Қилқалам, Иброҳим Дўлдай, Шоҳмурод Кўҳистоний, Ҳусайн Гов, Муҳаммад Интизом, рақкоса Нигина сингари қаҳрамонлар талқинига эътибор беринг. Уларнинг ҳаммаси она-юрт тақдири, озодлиги, эрки учун жон фидо қилиб курашадилар, мўғул босқинчиларига қул бўлиб, асоратда яшашни номус ҳисоблайдилар. Зеро, ёзувчи ҳар икки буюк санъаткор қисмати орқали ўзаро қирғинлар, тож-тахт талашлари, номуносиб одамлар қуршови, тазйиқи остида қолган, маишатбоз, ишратпараст, ношуд ҳукмдорлар эл-юрт бошига нечоғли мусибатлар келтиргани, улкан мамлакатнинг емирилишига сабаб бўлганини реалистик лавҳаларда тасвирлашга эришади.

Мирмуҳсин тарихий асарларида воқеалар кечадиган замон ва маконга хос барча тарихий деталларни, миллий хусусиятларни, моддий-маиший буюмларни, жой номларини аниқ тасвирлайди. Ёзувчининг бу борадаги маҳоратига, синчковлик билан ҳаётни ўрганиб, умумлаштира олганига қойил қолиш керак. Масалан, "Чўри" қиссасидаги воқеалар Хоразмда Хива хонлигида кечади. Маълумки, бу воҳа одамларининг ўзига хос турмуш тарзи, бетакрор тил хусусиятлари, маиший деталлари бор. Адиб воҳанинг ана шундай ўзига хос қиёфасини ҳам суратлантириб беришга эришади. Қисса охирида таъсирли бир кўриниш бор. Барча исёнчилар, Бибигул ҳам қонга беланиб ўлиб ётишибди. Ниёзмурод қорнига санчилган қилични бир амаллаб суғуриб ташлайди. Тирик жон нишонасини сезмагач яна Бибигул кўксига бош қўйиб ўлимини кутди... Унинг қулоғига узоқдан, жуда узоқдан Бибигулнинг шўх қўшиғи эшитилгандай бўлди:

**Чувиқ суқиб даштда гўзал боғ атдим,**
**Дўрт йигитни дўрт ёнима тоғ атдим.**
**Дўрттасинан биттасиний ёр атдим,**
**Учтасини қадамимо зор атдим...**

Бу таъсирли финал юракларни ўртаб юборади.

"Меъмор" романидаги Бадиа образи билан Бибигул талқинида маълум муштаракликлар бор. Уларнинг иккаласи ҳам қул бўлиб, тутқунликда яшашдан кўра мардона ўлимни афзал кўрадилар. Эрк учун кураш йўлида жон берадилар. Адиб бу ёрқин образлар воситасида халқимиздаги юксак фазилат – ватанпарварликни, маънавий етукликни улуғлайди.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш керакки, Мирмуҳсин аканинг "Умид", "Меъмор", "Темур Малик" (Хўжанд қалъаси) романлари қўлма-қўл ўқилди, бир қанча тилларга таржима қилинди. Улар умри боқий асарлар қаторидан жой олди.

Мирмуҳсин ака ҳақида гапирганда, унинг қизғин жамоатчилик фаолияти, айниқса, "Шарқ юлдузи" журналига муҳаррирлик қилган йилларини эсламаслик мумкин эмас. У кишининг ташкилотчилиги, жонбозлиги туфайли журнал халқимиз севиб, қўлма-қўл ўқийдиган нашрга айланган эди. Шахсан ўзим Мирмуҳсин аканинг кўмаги, мададидан баҳраманд бўлиб вояга етганимни ҳар доим миннатдорлик билан эслаб, фахрланиб айтиб юраман. Бундай дил сўзларини "Шарқ юлдузи" журналида ишлаган бугунги фаол ижодкорларнинг кўпчилигидан эшитиш мумкин.

Мирмуҳсин ака яхши шоир, яхши насрнавис, яхши инсон сифатида дилимизда қолди. Унинг фидойи инсонларга бағишлаб катта самимият билан ёзган шеър ва достонлари, романлари, қиссалари адабиётимиз бўстонида ҳали узоқ яшайди.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

*"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида таъкидланганидек, "Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди.* ***Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур".***

*Дарҳақиқат, бу вазифа адиблардан, айниқса, адабиётшунос ва мунаққидлардан синчковлик, холислик, бағрикенглик ва фидойиликни талаб этади. Зеро, ўз вақтида асослаб айтилган ижобий фикр ёш иқтидор эгаларига кўрсатилган улкан рағбат бўлиши шубҳасиз. Бугунги адабий жараёнда бу борада фаоллик кўрсатаётган ижодкорлар, олимлар талайгина. Ана шундай жонкуяр мунаққидларимиздан бири таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов ҳафталигимизнинг энг фаол муаллифларидан. Унинг адабиётнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиққан ўнлаб мақола ва тадқиқотлари, адабий-танқидий тўпламлари, монографиялари китобхонларга, адабий жамоатчиликка, олимлар ва ижодкорларга яхши маълум. Йўлдош Солижонов ўзининг қарийб қирқ йиллик педагогик, илмий-ижодий фаолияти давомида эл назарига тушди, адабий жараёнда ҳамон камарбаста бўлиб келаётир.*

***Танқид ва адабиётшунослик бўлими***



Адабий жараён

# Кўкёл изтироби

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 18 феврал сонида босилган «Кўкёл» номли ҳикояни ўқидим-у, кўз олдимдан болалари учун жонидан кечган она бўрининг қиёфаси кетмай қолди... Бу ҳикоя ҳақида ёзмасам кўнглим таскин топмаслигига амин бўлдим.

Ҳикоя воқеалари тўрт манзарада баён қилинади. Бу манзаралар бир-бирини тўлдиради, давом эттиради ва охирида бирлашиб, инсон ҳамда табиат муносабатларига оид глобал муаммога боғланади. Бироқ адибанинг мақсади глобал муаммонинг ечимини топиш эмас. Зеро, бу ҳикоя жанрининг вазифасига кирмайди ҳам.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бадиий асарда психофизиологик ҳолат яратишнинг аҳамияти катта. Бундай ҳолат қаҳрамоннинг ички туйғуси билан ташқи кўриниши — имо-ишораси, мимикаси, жисмоний ҳаракатининг бир пайтда ё мутаносиб ёки номутаносиб равишда ифодаланишидир. Бунга эришиш осон эмас. Айниқса, ҳайвон образини тасвирлаш жараёнида бу мураккаб ҳолатнинг ишонарли чиқишини таъминлаш учун билим ва тажрибага лозим. Ёш адиба Муяссар Тиловова ҳикоя давомида она бўрининг психофизиологик ҳолатини ишонарли тасвирлай олган.

Янги бўшалган Кўкёл уч кундан буён ўлжа қидириб кетган арлонини кутади, бўриваччалари очликдан ғингшийди, ўзи мажолсиз. Билмайдики, арлони чўпонларнинг қопқонига илинган. Энди у болаларини тўйдириш учун овга чиқиши керак. Ёзувчи биринчи манзарада бўри зотининг ҳид билиш қобилиятига эътиборимизни тортади. Ўқдан яраланган оёғининг азобидан ҳолсизланиб, нима қилишини билмай ётган Кўкёл «нимадандир сесканганидан жунлари ҳурпайиб кетди». У қўйларнинг ҳидини сезганди. Ташқарига чиқиб кўрдики, ёнбағирда бир сурув қўй ўтлаб юрибди. «Қўйларга *термуларкан,* ҳовур кўтарилиб турган сўлаги қор устига томди.» Бўрида ов қилиш истаги туғилди. Бироқ ҳозир овга кучи етмайди. «Бўри бошини эгиб, ортига қайтди». Уясида эса бўриваччалари онасига *«мўлтираб* туришарди. Кўкёл уларнинг *жовдираган кўзларига* бардош беролмай ортга тисарилди. Энди танлаш имкони йўқ, таваккал қилади.» Бу тасвирда бўрининг сурати ва сийрати мутаносиб ҳолатда намоён бўлмоқда.

Кўкёл қўйлардан бирини ўмариш учун пастликка *қиялади.* Бутун диққат-эътибори овда бўлганлигидан битта бўриваччасининг орқасидан эргашганини, ўзидан озгина узоқлашиб кетганини сезмай қолди. Қишнинг қаҳратон куни. Қалин қор ёққан. Бунинг устига Кўкёл ҳали тўла дармонга кирмаган. Бу аҳволда биронта қўйни ўмариб уйига олиб бориш амримаҳол. Шунга қарамай, болалари олдидаги масъулият уни таваккал қилишга мажбур этади. У пайт пойлаб туриб, яқинлашиб қолган бир қўйнинг бўғзига оғиз солди. Шунда қачонлардан бери тотмаган «Иссиқ қон таъми бўри танасига куч ато этди.» Кўкёл ўзининг дармонсизлигини ҳам унутиб, бир парча гўштни тишлаб, *«тепаликка ўрлади.»*

Кўкёл бир парча гўштни тишлаб ортига қайтаётиб, бироз пастликда боласининг нажот истаб чийиллаётган овозини эшитади. Қайтай деса, чўпонлар ва итлар подага бўри оралаганидан бохабар бўлиб, қувлаб келишяпти. Қайтмай деса, боласидан айрилади. Ўзининг ҳаёти ҳам хавф остида. Бу вазиятда бўрининг физиопсихологик ҳолати бир-бирига номутаносиб тарзда акс этади. «У бир ёнбағирга, бир қип-қизил гўштга қаради. У ёқда овқатга илҳақ болалари, пастликда эса...". Икки ўт орасида қолган Кўкёл энг тўғри йўлни танлади: унинг ақли юрагидан устун келди. Чунки боласини қутқаришга кечиккан, бирини деса иккисидан ҳам айрилиши, ҳатто ўзи ҳам тирик қолмаслиги мумкин. «Бўри ердаги гўштни тишлаб, харсанглар томонга *югуриб»* кетди. Кўкёл дастлаб тепаликдан пастга эҳтиёткорлик билан *«қиялаб»* тушган эди. Ниятига эришганидан кейин юқорига қараб бемалол *югуради, ўрлайди, чопади.*

Бу парчаларда муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратига эътибор беринг. Мен юқорида таъкидлаган ҳар бир сўз айнан бўри зотининг ҳам ички, ҳам ташқи руҳий кечинмаларини уйғунлаштириш ва кўз ўнгимизда Кўкёлнинг айни чоғдаги ваҳший, қонхўр, эҳтиёткор, чорасиз, иккиланувчан қиёфасини аниқ ифодалашга хизмат қилади.

Ҳикояда уч хил дунёқарашга эга бўлган уч авлод гавдаланади. Буларнинг биринчиси исми жисмига ва характерига мос Ҳикмат ота бўлиб, у кўпни кўрган, бутун умрини дашту далалар, қир-адирлар, тоғу тошларда ўтказган донишманд қария. Қариб, чўпонлик таёғини ўғли Сайидга топширган ота бўрилар табиатини яхши билади, уларга қасдлашиш оқибати хайрли бўлмаслигига ақли етади ва ўғлини доим огоҳлантириб туради. Бироқ қаттиқ қаршилик кўрсата олмайди. Сабаби ўғли Сайид ўта ўжар ва айтганидан қайтмайдиган йигит. Қолаверса, бўриларнинг хуружи туфайли сурувига талофат етишидан манфаатдор эмас. У шафқатсиз, бераҳм, бўриларни битта қўймай қириб ташлаш ва уларнинг «қонини ичишга» аҳд қилган. Айни чоғда муаллиф унинг тимсоли орқали табиат ва ҳайвонот қавми билан муроса қилмаслик, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш яхшиликка олиб келмаслигига ишора қилади. Чиндан ҳам Сайид ўз қилмишларининг қурбони бўлади. Одам зотининг шафқатсизлиги туфайли арлонидан, болаларидан айрилган, юраги ўч олиш туйғуси, кўзи эса қонга тўлган Кўкёл Сайиднинг ўқидан яраланганига қарамай, охирги кучини тўплаб, рақибига «ташландида, бўғзига оғиз солди.»

Менда, айниқса, учинчи авлод вакили — бутун ҳикоя давомида бир оғиз ҳам гапирмайдиган, фақат фикрлаб ҳаракат қиладиган Эргаш образи катта таассурот қолдирди. Ёзувчи йигитчанинг психофизиологик характерини яратиш учун унинг нутқига эмас, кўпроқ кўзи ва онгидаги зиддиятли ўйларини тасвирлашга эътибор беради. Эргашнинг бундай қиёфада кўринишига ҳам ижтимоий, ҳам ғоявий, ҳам психологик, ҳам бадиий асослар етарли, деб ўйлайман.

Бўрилар бир кечада айнан Эргашга тегишли қўйлардан бештасини нобуд қилиб кетади. Бу бола қалбида бўрига нисбатан чексиз нафрат ва исён туғдиради. У ҳам Сайид амакиси сингари Кўкёлни тезроқ қўлга туширишни, азоблаб ўлдиришни истайди. Шундай фурсат ҳам келади! Кўкёл Сайид ясатган темир қафасга тушади.

Эргаш секин қўрага яқинлашди. Не кўз билан кўрсинки, «Кўкёл қафасда эди!» Кўкёл «чўғдек ловуллаб ёниб турган *кўзларини* Эргашга *қадади.* Унинг *нигоҳи* шу қадар ўткир эдики, бола беихтиёр *кўзларини* олиб қочди. Бўри унга мўлтирамади, нажот истаб ғингшимади ҳам, фақат *тикилди,* ҳар бир ҳаракатини кузатиб *тикилди.»* Қалби ҳаяжонга тўлган Эргаш бу кўзларда кўп маънони англади... Натижада унинг «юраги ақли измидан чиқиб кетди" — қафасни очиб юборди!

Қафасдан шаҳд билан отилиб чиққан Кўкёл *«Кўзларини ўқдек қадаб* болага яқинлашди. Шунчалар яқин келдики, бола бўрининг нафасини ҳис қилди» (Юрагим ҳаприқиб кетди: ғажиб ташласа-я! Ахир, у бу ерга атайин қасос олиш учун келган-ку!). Йўқ, «Боя унинг нигоҳларига бардош беролмаган» Эргашнинг «кўзлари тик боқди» ва унинг «малла *қорачиқларида* ғазаб ёки нафратни *кўрмади,* уларда одам тушунолмайдиган нимадир бор эди». Балки бу ваҳший ҳайвон зотининг яхшилик қилган инсонга нисбатан хайрихоҳлиги, миннатдорлигидир... Гарчи бўриларнинг ваҳшийлиги, қонхўрлиги, ўзига етказилган зарар учун қасд олмагунча тинчимаслиги, ҳид билиш қобилияти бошқа ёзувчиларнинг асарларида етарли тасвирланган бўлса-да, ўзидан ҳам ёвузроқ, ваҳшийроқ одамларнинг (Сайид бўриваччасини қанақа азоблаб ўлдирганини она-бўри Кўкёл ўз кўзи билан кўрди-да!) қўлига тириклай топширгандан кўра, ғажиб ташлашни афзал кўриши, қилган яхшилиги учун инсонга миннатдорчилик билдиргандек оёқларига йиқилиб, жон бериши — бўрилар қиёфасига қўшилган янги чизгилардир. Бу топилмаси билан адибани табрикласак бўлади.

Тўғри, бу ҳикоя мукаммал, камчиликлардан холи эмас. Ижодкорнинг тажрибасизлиги билиниб қолган ўринлар учрайди. Бироқ асарга ҳарорат бағишлаб турган чўғ бор, муаллифда эса ана шу чўғни алангага айлантира олиш қобилиятини сездим. Муяссар ҳикояда нима демоқчилигини ва уни ўқувчига қандай етказишни билади. Мана шу фазилатларини ҳисобга олиб, ёш адиба Муяссар Тиловадан бундан-да яхшироқ асарлар кутишга ҳақлимиз.

**Йўлдош СОЛИЖОНОВ,**
**филология фанлари доктори**

*Фарғона*

«Матбуот тарқатувчи» АК. — Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Ғафур ҒУЛОМ



## Соғиниш

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалка-ҳалқа ёш.
Энг кичик зррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.

Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўйимишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!

Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, касамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...

Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келар, ғолиб, музаффар,
Гард ҳам қўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутаман, узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни - аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Хазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Ўроғу гулкдйчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи қўшни қиз — унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.

Боғда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим арғувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд —
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.

Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда, беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр, васвасамдан кулади қуёш.

Асалдан ажраган мумдай сарғайиб,
Ини йўқаридек тўзғиганим йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абадийр мендаги падарий ҳуқуқ.

Сизларни келди, деб эшитган куни —
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин, албатта.

Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай ним пушти, сарин, беғубор.

Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик,
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.

Яшаётган сатрлар

## Вақт

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олғулик муддат —
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам - қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг
Барини тутолмас ай(ю)ҳаннос овоз.

Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек
Жаҳондай маънодор қорачиғимиз.
Ғолиб асримизга қуёшдан машъал,
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.

Замона соати занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд,
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашда отилган адолат ўқи —
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла, мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат.

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

# БУЛОҚЛАРИ АЛЛАМГА ДОЯ

Ҳусниддин ШАРИПОВ



## Ўзбегим алласи

Қўшиқларга чулғайди қалбим
Ифтихорим Ўзбекистонни.
Тавоф айлаб улғайди қаддим
Ғамгузорим Ўзбекистонни.

Чинор солар бошимга соя,
Булоқлари алламга доя,
Тирикманки, қилгум ҳимоя
Беозорим Ўзбекистонни.

Адашмасин ўғлим изимдан,
Меҳр кўрсин юртим қизимдан,
Таний қолсин нону тузимдан
Дўсту ёрим Ўзбекистонни.

Деҳқон тўккан терлар муқаддас,
Онам ўсган ерлар муқаддас,
Гўзал дерлар, дерлар муқаддас
Лолазорим Ўзбекистонни.

Шу тупроқдан олинди лойим,
Кўнгил тинчдир сен ила доим,
Паноҳингда асра, илоҳим,
Ҳар на борим Ўзбекистонни.

## Қуёшим бор

*Ўзбекистон давлат консерваториясига*

Яшил қаср ичра на тахтим, на бошим узра тожим бор
Ва лекин сўз билан созга ҳамиша эҳтиёжим бор.

Қаранг, шоҳона бир даргоҳ: этар санъат элин ардоқ,
Юрак илҳом билан ўртоқ, демак сирдош қуёшим бор.

Жўшиб най, авж этиб ғижжак, мақому ялла лар янграр,
Ҳаёт ишқин қўшиқ қилган ажаб созанда Шошим бор.

Бу гулшанни безаб Ферузахоним бирла шогирдлар,
Бу боғ ичра Зулайҳо бирла жўрсоз Абдуҳошим бор.

Бўлар жўр уста Икром, Мустафо, Моцарту Бетховен:
"Билинг, ижод тарозусига қўйган тоза тошим бор!"

Муҳаббат лаззатин сезгай бу жаннат мевасин тотган:
—Эгиз,—дер, — "Оҳ" билан "Оҳанг",
демас "Оҳангтарошим бор".

Нажот топгач "Муножот"дан, берар дилларга дил оро,
Наво бошлайди булбул сўнг, ҳаво айлашга лочин бор.

Гўзалликдан кўзим яйраб, ёшаргай орзуманд кўнглим,
Жаҳон айвонида ҳамроҳингизман то иложим бор.

Азизлар, куйларингиз — ҳуснингиздир, сўлмагай асло,
Шукр, дунёда сиз борки, "Тановар", "Дилхирож"им бор.

## 90 — ТЎҚ СОН

— Ким давранинг дакани,
Ким баҳсларда чапани?
— Ана, — деймиз, кўрсатиб
Саид Аҳмад акани!

Устозга бўлиб издош,
Шогирдларга эди бош,
Лекин севарди кўпроқ
У Саида опани.

Насримиз қоясида,
Арғувон соясида
Яратди бир чаманзор,
Нурга тўлиб даҳани.

Сатри борки атри бор,
Дарди борки, қадри бор,
Гўё хушхўр шакароб:
Уйғотар иштаҳани!

Нодирахон — Нодира,
Нодирлардан хотира.
Инсон зоти сўнмас ҳеч
Этса эъзоз ватани.

Бадиа

# КЎНГИЛ ОБИДАСИГА ЙЎЛ

Кетаверасиз. Отлиқ ёки яёв. Серёғин баҳорда ўт босиб, йўқолиб қолган сўқмоқлардан гоҳ адашиб, гоҳ топиб. Тақимлар уюшиб қолади, пиёдалайсиз. Оёқ толгач яна уловга миниб кетаверасиз. Ўзини ухлаганга солган девлардек қорайиб, мағрур турган қоялар, арчалар, бодомчалар. "Пир" этиб уловингизни ҳуркитиб юборувчи малла чил қушлар. Сўқмоқ ўрлаган сари юриш қийин, аммо сирли манзилга етиш истаги тортаверади сизни...

Боботоғда "Борми-йўқ", деб аталувчи манзил бор. Бу манзилнинг ҳам ўзига хос муқаддаслиги, азизлиги ва шу азизлигини асословчи яловдор шаҳид-қабрлари, қадамжо мақомидаги айрим белгиларию хос ривоятлари мавжуд. Энг яқин аҳоли манзилидан икки кунлик йўл бўлган бу гўшага кишиларни чорлаб турувчи алоҳида жиҳатлари ҳам бордирки, "Борми-йўқ" сафари ҳануз давомлидир.

Бу ерда у қадар юксак бўлмаган бир ғаройиб қоя бўлиб, қоянинг юза сатҳидаги тошлар фавқулодда силлиқ. Худди ўнлаб сангтарошлар атай келишиб, тошларни тарошлаб кетишгандек. Шу силлиқ сатҳ қишин-ёзин гўё "терлаб" туради. Кўзёшдек кичик-кичик томчилар офтобда жимирлаб, камалак бойлаб кўринади. Қоя пастида эса каттагина қизил тоба тош бўлиб, тошнинг ўртасида чуқурча пайдо бўлган. Чуқурча худди сопол коса қолипидек мукаммал, силлиқланиб, яшил боққўтондан сирпанчиқ бўлиб қолган. Қоя юзидаги "кўзёшлар" ана шу чуқурчага жуда секинлик билан йиғилади ва қачондир "коса" сувга тўлади. Баъзилар чуқурча уч ойда сувга тўлади, деса баъзилар қирқ кунда дейди, аниғини биров билмайди. Бу сув тоғнинг шўр сувидан фарқли ўлароқ жуда тотли, ичган киши яна ичсам дегулик ширин. Чўпонлар, борувчилар чуқурча ёнидан бошқа чуқурлар ҳам ковлаб ташлашган, аммо қўлда ковланган чуқурчаларга сув йиғилмайди — ерга шимилиб кетади. Ғамлаб олинган бир неча идишдаги сувларни сарф этиб, "Борми-йўқ"қа йўл олган ҳар кимса ўша сувдан бир қултум бўлса-да насиб қилсин-да, деган ниятда келади бу ерга. Борми-йўқми, деган умидли ҳадик билан келадилар бу арчали овлоққа.

Атиги бир кичик челакча чиқадиган бу сувдан ичиш омадли бандаларига насиб қилади, албатта. Ёки ўн кунми-йигирма кунми бурун кимлардир ичиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Қизиғи, бориб-келганлардан сувдан ичолган-ичолмаганлиги суриштирилади. Ва бу воқеа янгилик сифатида гурунгларда айтиб юрилади. Қарийб бир ҳафталик олис йўл азоби, жимликнинг бепоён олами ва табиат юқтирган хавотир ҳисси кишиларни ўзига хос хулосаларга олиб келадики, "Борми-йўқ"дан қайтган ҳар бир зиёратчи албатта ростини айтади. Одатда мақтанишни, омадли кўринишни хуш кўрадиган одамлар ҳам анчайин ўйчил, босиқ бўлиб қайтадилар. "Йўқ, насиб қилмаган экан бизга", деб синиқ жилмайиб яна ўз ҳаётларига шўнғиб кетишади. Ёки Масиҳо оловидан дарди ариган хастадек, юзлари ёришиб, офтоб қорайтган чеҳрасидан қувонч ёғилиб, танишу нотанишга боладай беғуборлик билан кайфият улашиб, тўлқинланиб: "Ато қилган экан, денг. Бир пиёладан сув ичдик", дея шод қайтадилар. Уларга энди ишлари бирдан ўнгланиб, барча ниятлари ҳеч бир муаммосиз амалга ошиши нақд бўлиб туюлади.

Аммо бу омадёрликнинг ижобатини ҳам худди чуқурча қанча вақтда сувга тўлишини биров аниқламаганидек, ҳеч ким батафсил тадқиқ этмаган. Менга бу нарсани илоҳий қарор, бахту саодатнинг айни мезони, деб ҳисоблагандан кўра уни рамз, ишора деб билиш, тушуниш музмунлироқ туюлади. Ва бу рамзий ишорани адабиёт, адабиётга йўл, деб ҳисоблагим, қиёс этгим келади. Яъни ўша манзил — офтоб илк тиғларини қайраб оладиган Боботоғдан Тошкентгача бўлган масофа менга қандайдир минг чақиримлик йўл бўлиб туюлмайди-да. Масалан, бирор раҳбар ёки зарур ишли одам Термиздан учиб қирқ беш дақиқада Тошкентда пайдо бўлиши ёки тужжор Дарбандда ухлаб Отчопар бозорида уйғониши ҳам мумкин.

Аммо бу... Чўлпоннинг кўзойнаги, Усмон Носирнинг этиги, Ойбекнинг шамсияси, Шукур Холмирзаевнинг милтиғи айнан сақланаётган, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовни кўришинг, ҳатто қўл бериб кўришишинг мумкин бўлган ё бўлмаса, тутқичини Шавкат Раҳмон ҳам тутган бирор нашриёт эшигидан бош суқиб қарашнинг иложи бор бўлган бу манзил мен ва мен кабиларнинг "Борми-йўқ"ларидир аслида. Мен ва мен кабилар сираям "Бугун Тошкентга бориб эрта кечга қайтаман", деб айтмайдилар. Улар ҳар кунги ишга жўнагандек Тошкентга жўнамайдилар, бундай одатий жўнайолмайдилар ёки жўнамаганлар. Улар: Мен Тошкентга кетяпман!, деб йўлга чиқадилар. Ҳар бирининг улови ҳайрат, ҳамроҳи умид бўлади, ҳар бирининг ичида бир кенжа ботир яшайди уларнинг. Бу манзилга уч-тўрт кунда етиб бўлмайди, кимдир ўн, кимлардир йигирма-ўттиз йил "Борми-йўқ", деган умид саволи билан йўл тортади бунда. Ўша ростгўй тоғ одамларидек бўлиб, сафар ҳикоятларини борича айтмоқ Тошкентга, яъни "Борми-йўқ"қа етиб келмоқдир. Тошкентда туриб ҳам унга етолмаслик мумкин-да, ахир. Билмадим, ҳар ҳолда менинг ичимда шундай қиёс бор.

* * *

Болалик баҳорлари жудаям топқир эди. Ҳар ҳаракатдан бир ўйин, ҳар ўйиндан қандайдир тадрижий мазмун ўйлаб топардик. Бу мазмун эса ўз-ўзича адолатга интилган бўларди. Адолат ва мардлик бўлмаса мазмун ҳам бўлмас экан-да. Буни ички сезим ва интизом талаб этарди чоғимда. Бу каби сўзларни билмасак ҳам, Адолат, деганда опамнинг синфдоши, мовий кўз қизни тушунсак ҳам ўйинларда адолатга талпинардик.

Хуллас, саккиз-ўн яшар қўй боқиб чиққан болалар ям-яшил, баландгина тепаликдан пастга юмалаш ўйнардик. Икки қўлимизда — кафтимиз орасида уйдан яширинча олиб чиқилган товуқ тухуми. Юқоридан пастга юмалаётганда кимнинг қўллари катта, кучли бўлса, омад шуники. Мақсад — тухум синмаслиги керак. Кўпинча ўнтадан тўққизимизнинг кафтимиздаги тухум синар ва пастда турган идишчага йиғилаверарди. Баҳодирнинг қўллари бақувват, ўзиям кучли эди. Икки кафтини ияги остига жуфтлаб, мувозанатини йўқотмай худди газ балонидай тез юмалаб кетар ва пастдан соғ тухумни кўз-кўзлаб ичимизни куйдирарди, боши ҳам айланмас эди. Ва унга сираям қўй қайтариш навбати келмасди. Ғолибликнинг рағбати шу эди. Сизни ва бизни турмуш тепалигидан юмалатиб кетаётган йилларда бизнинг асралган кўнглимиз дарз кетади ёки чил-чил бўлади. Кўнгилнинг ўрнида ажриқ босган гулзордай бир нималар қўним топади. Кўнгилни асраш, қилови олинмаган тиғдай шоир юракни сақлаб қолиш, туйғуларни ўз исми билан атаб, камолга етказмоқ, "Борми-йўқ" сафарига бориш учун уларга "йўлкира" топиб бериш нақадар қийин, завқли ва қанчалар табаррук амал.

Ҳа, майли, биз "Борми-йўқ"қа кетяпмиз. Чалғимайлик.

Одам бу — услубдир. Ёзувчи Назар Эшонқул шундай деган эди. Бугунги кунда бир тола сочдан одамнинг расмини чизиб беришяпти. Руҳиятшунослар ўзи йўқ одамнинг ҳуснихатидан унинг хулқини айтиб берадилар. Худди шундай одамнинг ҳамма айтганлари ўзининг шарҳидир. Киши тили чиққандан то тилдан қолгунча нима деса, маъруза қиладими, бировнинг гапини бошқага таржима қиладими, нечта сўз айтса унинг ҳаммаси ўзи ҳақида бўлади. Кулади, йиғлайди, қийшайиб юради, тўйда рақс тушади, бировга таскин беради, иддао қилади — бу ҳаракатларнинг бариси унинг ўзи ҳақида. Ижодкорнинг ичида ўзи йўқ асарлари шу улуғ ҳақиқатни англамаслик маҳсулидир. Ана шу англамаслик пировардидаги адашув аслида унинг йўлидир. Унга — адашиш буюрилган. Одамнинг ичидаги дарё табиатдан, илоҳдан улгу олган. Унга қарши сузмоқлик адашиш, балки йўқотишдир. Адабиётимиздаги Ойбек номи менга қуёшни эслатади. Адибни кўрмаганмиз, аммо ўшшайган қоя лабидаги бир туп наъматак ҳайратидан юракка пориллаб кирувчи сатрларни берган кўнгил нақадар сақланган, нақадар ноёб!

Мен ҳақиқатни эмас, кўрганларимни ёзмоқчиман, дегич эди Шукур ака. Бу унинг услуби эди, унинг йўли эди, кўнгли эди. Индалло шундай: мен ёмғирнинг ёғишини, қуёшнинг чиқишини, майсанинг ўсишини, сойларнинг юқоридан қуйига оқишини, ғорларнинг қум тўзонларидан кўмилиб яна қачонлардир қайта пайдо бўлишини ва ичимдаги дарёни олдидан кўришни истайман. Ана шунда миллий мифология шакл топади, тикланади, табуларимиз бадиий асар қатларига сингиб кетади. Бу битиклар ўқувчига қондош, эт-тирноқ бўлади, азиз бўлади.

Ватан халқсиз, халқ маънавиятсиз, маънавият адабиётсиз бутун бўлмагач, Бальзак айтмоқчи яшамоқнинг ўзи кам, яратмоқ керак эмасми, деган ўй баъзида кўнглимга келиб туради. Тенгқурларим кўзимга пайт пойлаётгандай, йўл қидираётгандай, иккиланаётгандай, ўзгаларнинг хато қилиб бўлишини кутиб ўзи шуларни четлаб ўтмоқчи бўлаётгандай туюлади. Баъзан "Сўз кимёси" асаридаги (Я. Парандовский) "... ёзувчи рус графи Толстойдай азалдан бадавлат бўлмоғи ва сўнг қўлга қалам олмоғи керак", деган сўздан қайғураётгандай, ёки шу графнинг "Адабиёт ҳаётнинг безаги, одамларни авраб ҳаёт бағрига чорлайди, етаклаб киради", деган иқроридан "кўзи очилиб", "нимани қай йўсинда" деётгандай туюлади. Баъзан эса миллий кутубхона архивини титкилаб, Ш. Холмирзаевнинг "Адабиёт ўладими?" мақоласини топиб Александр Титовнинг "Адабиёт кераксиз бўлиб қоладими?" сарлавҳали мақоласидаги "Адабиётсиз турмуш яланғочлашади, сўнгги нақлиёт санъати маҳсулотлари ва ялтироқ муқовали "асар"лардан қониқмаганлиги туфайли инсон ичдан дағаллашади. Адабиётсиз даврнинг сир-жозибаси йўқдир" ёки "Ўтган асрлардаги жиддий адабиёт асосан ижтимоий руҳда бўлиб, ҳаётдан ўзига идеал ахтарарди, олдинга чорларди. Энди пайғамбарлик мақомини йўқотиб, ҳеч нарса бўлмай қолди" сингари фикрларини чоғиштираётгандай туюлади. Баъзан эса тенгқурларим йигирма, ўттиз йил, ҳатто юз йил илгариги ёзувчиларнинг ва бугунги қалам соҳибларининг битикларидан кўра шахсиятига урғу бериб адабий ғийбатга мойилдай ва баъзан шеър ёки ҳикоя ёзаётгандай ҳам туюлаверади.

Шундай пайтларда, ҳей жўралар, шу кўнгил ҳам бир нимани билади — профессионаллик, чин мутолаа йўқ бизда, нимамизга ишоняпмиз ўзи, дегиларим келади. Лекин демаяпман. Чунки бу саволларга ўзимда жавоб йўқдай. Беш юз мисра ғазални ёд билмаган ижодкор Навоий замонида шогирдликка олинмас экан, дея эшитганим бор, ёки "Шоҳнома"нинг илк минг байтини битган шоир Дақиқий Чағониён амири ҳузурига кириш ва унга манзур бўлиш учунгина ёзган мадҳиянинг ўзи бугун ҳам ўша давр манзараси, нафасини ифода этган юксак бадиий асардирки, зеро шоир уни "буюртма" деб қоғозга туширганди.

Аммо (шу сўз учинчи ўғилга ўхшайди) илм билан етилмаган истеъдоди ўқувчиникидан сал мундайроқ, номию чалаярим бир-икки китоби бўлган битикчи ўқувчини айбситмаслиги керак. Дид, денг, хос адабиёт, денг, ҳаммага ёқиши шарт эмас, мени бир асрдан сўнг тушунишади, денг. Ҳаммаси бор ва бўлиши мумкин бўлган гаплар. Мустақилликнинг илк ўтиш йилларидаги қурғоқчил саратонларда ҳам ерга шоли эккан маъқулми, ерёнғоқми, деган суҳбатлар баробарида Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом" китобини қаердан топса бўлади, деган саволлар бор эди. Ҳозир ҳам "Жаҳон адабиёти"да чиққан қиссаларнинг муҳокамаси Бойсундаги сувга навбат кутиб турган одамлар ўртасида бўлиб турибди.

Шуҳрат қозониш. Одамлар: "Шодмонқул Салом шуми, бирга расмга тушайлик" дейишлари қандай соз-ей. Бу жумладан энсангиз қотмасин, бу орамиздаги гап: одамзод эътибор, акс-садо фарзанди, санъатимни уқсанг, улуғ фикрларимни илғасанг илғадинг, бўлмаса отангнинг гўрига, деб елкадан ошириб ташлай олган, тириклигида бирор сатр нарсаси нашр бўлмаган айрим ижодкорлар ҳам бу оламдан жавоб ва таскин излаганлар, кутганлар, недандир умид қилганлар. Кутишда эзгулик бор, ҳақиқат бор, Худо бор. Шу ҳақни излаш йўлида чекилган изтироб, туюлган қувонч маҳсули бўлиб дунёга келган, "ўзим учун" битилган, шуҳратини соҳиби кўрмай кетган дурдона асарлар ҳам, охир-оқибатда миллат, умумбашарият мулкига айланиб, инсоният номидан айтилган ғоялар бўлиб кетганки, буни эътиборсиз эътибор деймизми, шуҳрату рағбат деймизми, фарқи йўқ, муаллифини ва шу муаллиф мансуб халқни шарафлайди, унга хизмат қилади.

Адабиёт билан машғул бўлиб унинг жонфидосига айланиб, қисматини қисматим, деб билиш, кишидан туғма муҳаббат, катта куч, сабр талаб этиши ҳақиқат экан, қурбонликлари эвазига ўзидан қўл билан ушлаб бўлмайдиган мерос қолдиркан, юрак ютиб бу заҳмат йўлини тутмоқ, унга умрбод содиқ қолмоқликнинг завқи ва азобининг кўламини тасаввур қилиш мумкин.

Ёш келин-куёв иккиси икки томондан бири ўнгга, бири чапга бураб сувини сиқаётган кирни кўз олдингизга келтиринг. На дунё, на амал ваъда қилгучи, билъакс қандай инсон бўлиб вояга етиши номаълум фарзанддай азиз, хавотирли бўлган келажакка шаъма қилиб, бир ёнидан турмушнинг қаттиқ қўллари, бошқа томондан нозик дилнинг улуғ севгиси ижод кишисини кир сиққандай сиққанида, турли "чилик"лар, "изм"лар сояда элакишиб турганида мардона турмоқ, мардона тура олмоқлик — бу энди чин маънода улуғлик бўлса керак.

Жасур Кенгбоевнинг "ҲавОчун", деган ҳикоясини ўқидим. Тушунолганим: ҳаётда рўй бермайдиган, қўл билан ушлаб бўлмайдиган гап, аммо чин гап. Бу микти, рамзий ҳикоядаги кўнгил оғриқларини, юрак забтини, ғуссали истеҳзони, ўкинчу умидни қайси тилда ўқисак ҳам ўз изини қолдиради. Кўнгилнинг таржимаси кўнгил бўлади. Шакл топган тили, равон ифодаси, бадиий нияти таралган сочдай тўкис, тугал.

Бу шахсий фикрим, албатта. Бор-ку, бўляпти-ку, демоқчиман.

* * *

Абдулла Қаҳҳор қайсики ёш ижодкорга матбуотда ёки оғзаки йўсинда ижобий баҳо берган, ўзига — адабиётга яқин олган бўлса, ўша ёшлар бугунги кунга келиб миллий адабиётимизнинг йирик сиймолари қаторидан ўрин олди. Ўз истеъдоди маҳсули билан адабиётни бойитиб соҳа олдидаги қутлуғ бурчларини имкон қадар бажардилар, ҳосил бердилар.

Абдулла Қаҳҳор кимгаки, бўтам бошқа амалнинг бошини тутинг, умрингизни зое кеткизманг мазмунида танбеҳ-сабоқ берган бўлса, биз ўшаларнинг номини Қаҳҳордан дакки эшитгани учунгина эшитиб қолганмиз, сўнгра улар баайни «гум» бўлганлар.



Қаҳҳорона интизом, деймизми, адабий мезон, деб аташ керакми, шу жиҳатлар хусусида устозлар намунаси кўринмаётир. Ҳамиша ҳам эмаску, оз ҳам эмас. Битилаётган сўзбошилар, сўнгсўзлар, тақризларнинг ҳаминқадарлиги, нашриётларнинг фақат матн ҳажми ва молияси билан ҳисоблашаётганлиги бор гап. Рус шоири Б. Пастернак, ҳов анави этикдўз энг оддий қоғоздан газета нашр этса ҳам, мен шу газетага шеърларимни жон деб берган бўлардим. Шеър поклайди!, деганида, ҳатто сийқа, алдам-қалдам хабарлар тарқатадиган нашрларда ҳам кетадиган бадиий асарларни сараламоқ, адабиёт номидан жиноят қилмаслик керак, демоқчи эди.

Айни шу муаммонинг ечими икки йил бурун нашрдан чиққан Президент Ислом Каримовнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида батафсил айтиб ўтилган: "Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур".

Шу мақсадда ташкил этилган «Ижод» фонди, илк китоблар нашри ёхуд ижод уйлари фаолиятига доир ислоҳотларнинг тадбиқи ҳам ижодкор ва ижодий жараёндан амалий натижа кутаётир.

Интернет деган ўзансиз дарёда оқиб бораётган ўсмирликнинг, ёшликнинг тўлқинли саволлари адабиётдан жавоб топмоғи учун, кўп бор айтилган интеллектуал салоҳиятли келажак ҳақидаги сўзларнинг рўёби учун бугунги тезкор дунёда бизнинг ҳозирлигимиз, эҳтиётимиз қандай, мукаммалми, борми? "Борми-йўқ"қа бормасдан, сувдан тўйиб ичдик, деб ярим йўлдан қайтиб келмаяпмизми? Адабиёт қавмининг обрўси, нуфузи учун яхшини ёмондан айирмоқ учун мезон қандай бўлади?

Лекин ҳали йўлдамиз. Кўнгил обидаси сари тортилган йўлда. Йўл эса узун, сирли, дил тортар. Кетаверасиз, уловда ёки пиёда...

Шодмонкул САЛОМ

«Матбуот тарқатувчи» АК. — Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг.
тел: 234-85-99, 233-67-98

# «ҲАЙРОНАЛАРГА КУЙЛАДИМ...»

## Яхшилар ёди

Ўзбекистон халқ ҳофизи, мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси Очилхон Отахонов ҳаёт бўлганида, бу йил саксон беш ёшини нишонлаган бўларди. Устознинг садоқатли шогирдларидан бири, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоевдан Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида Очилхон ака хотирасига бағишланган ижодий кеча ташкил этилганини эшитиб, бениҳоя мамнун бўлдим. Ҳофиз билан бўлган самимий суҳбатларни эсладим.

Санъаткорларга яқин мухлислар яхши билишади — бу соҳада ижро маҳорати ва одоб-андиша ҳамиша ҳам бир-бирига мос келмайди. Маҳорат бобида юксак чўққиларга кўтарилганларнинг туриш-турмушида, муомала маданиятида гоҳо жиддий нуқсонлар, ярашмаган қилиқлар учраб қолади, ва аксинча, санъаткорлар орасида одоби жигарни эзадиганлар ҳам кўп, аммо уларнинг қўшиқлари кўнгилга йўл топа олмайди.

Очилхон Отахонов маҳоратда ҳам, одобда ҳам ҳаммага намуна эди, десак хато қилмаган бўламиз. Устоз умрининг охиригача шон-шуҳратга берилмай, кибру ҳаво кўчасига бурилмай, етказганига шукур дея пойтахт биқинидаги Янгийўл шаҳрида умргузаронлик қилди.

Очилхон ака камтар, камсуқум, биров бир нима демаса ўзича гап бошламайдиган, ёшни ҳам, кексани ҳам, агарки гапида жон бўлса, бирдай тинглай оладиган инсон эди. Таклиф қилинган жойга, албатта, ҳатто соғлиғи дуруст бўлмаса ҳам борарди. Кеч қолмасдан, куттирмасдан борарди. Иззатталаблик қилмасди. Бирор издиҳомда ҳаваскор ҳофиз билан рўпара келиб қолса, унга ҳам имкон бериб, ижросини диққат билан эшитар, ўрганадиган бир чимдим жойи бўлса, шу жойини ўрганишдан ор қилмасди.

Бир йили Алибек домла ва Очилхон ҳофиз таниқли тадбиркор Абдуманноп аканинг таклифига биноан Олтиариққа боришади. Дала шийпонида шабададан баҳра олиб ўтиришганида Абдуманноп ака меҳмонларни шийпон қоровули Ҳаким бувага таништиради:

— Бува, бу меҳмонлар Тошкентдан, дала ишларимизга қизиқиб келишган. Қани, танбурни олинг, бир яйрайлик,— дейди ҳазиллашиб. Ёлғиз яшаб, ўзини хиргойи билан хурсанд қилиб юрадиган Ҳаким бува қоровуллик таёғини қўлига олиб, танбурдай чертиб ашула бошлайди. Қўшиқнинг авжини шунақа оладики, тошкентлик меҳмонлар бир-бирларига қараб қолишади. Алибек домла: "Оҳ-оҳ, роса қиёмига етказди-ку", деса, Очилхон ака: "Абдуманноп, қоровулингиз уста кўрганлардандми деймян-да", дейди-да қоровул бувага қўшилиб кетади...

Бошқа бир гал Очилхон ака ўзига анча бино қўйган қўшиқчи йигитлардан бирининг тўйдаги хурмача қилиғидан хижолат бўлиб: "Ёмон йўлга юрган одамнинг обрўси аста-секин тўкилиб боради, аммо ҳофизники битта тўйда батамом тўкилади", дегани ёдимда қолган.

Очилхон ҳофиз ҳақида яна кўп нарсаларни ёзишим мумкин эди. Бироқ ёдимга Анвар Обиджоннинг у кишига бағишлаб ёзган ва Очилхон ака ҳаётлик пайтлари жуда мириқиб, ўзи ҳам роҳат қилиб куйлаган қўшиқ тушиб қолди. "Анваржон ичимдаги гапларни жуда топган-да", дер эди устоз ҳар гал шу қўшиқни ижро қилиб беришни илтимос қилганимизда. Шу қўшиқ матнини эътиборингизга ҳавола этишни маъқул кўрдик:

**Аҳли номард қилмишин ул мардоналарга куйладим,**
**Ёшлигимнинг хонишин шўх жононаларга куйладим,**
**Қисматимнинг нолишин лол-ҳайроналарга куйладим,**
**Дўстга дўстнинг ёнишин гоҳ парвоналарга куйладим,**
**Аҳли номард қилмишин ул мардоналарга куйладим.**

**Одами ноқис бўлур, лек олами ноқис эмас,**
**Бу тикон бежиз дегаймиз, аслида бежиз эмас,**
**Ўрганиш бизларга жоиз, лек ўргатиш жоиз эмас,**
**Не сабаб ҳофиз яралгай — билмаган ҳофиз эмас,**
**Ётмагил ғафлат аро деб мастоналарга куйладим.**

**Не тилак қилсам умидим бир ўзингдан, эй Худо,**
**Кетса жон кетсин садоға, қилма иймондин жудо,**
**Ростни деб қурбон бўлойин, этма ёлғонга фидо,**
**Асра миннат қасриданким, ошна қил содиқ гадо,**
**Юз буриб кошоналардан, вайроналарга куйладим.**

**Кун кўриб ўтди бировлар миллатин қони билан,**
**Мен ҳамон куйлаб яшарман миллатим номи билан,**
**Таскиним топдим Навоий, Машрабу Жомий билан,**
**Саждага бош ургали келдим умр шоми билан,**
**Ўзбегим, айттил, қачон мен бегоналарга куйладим?!**

Очилхон Отахоновдан гўзал қўшиқлар бизга мерос бўлиб қолди. Бугун улар кўплаб шогирдлари, қўшиқчилик санъатимизга кириб келаётган янги ёш ижрочилар томонидан маромига етказиб куйланмоқда.

**А.МЕЛИБОЕВ**

# ҲУЖЖАТЛИ КИНО ФИДОЙИСИ

Ҳужжатли киномизнинг сўнгги ярим асрлик тарихини машҳур кинопублицист, Ўзбекистон халқ артисти Даврон Салимов ижодисиз тасаввур қилиш мушкул. У кинодаги фаолиятини ўтган асрнинг 60-йилларида, илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясида оператор ёрдамчиси сифатида бошлади. Унинг кино билан ошно тутинишида акаси, таниқли режиссёр Дамир Салимовнинг ўрни катта бўлган. Бироқ Даврон акасининг изидан кетмади, у санъат оламида ўзининг мустақил йўлини топишга аҳд қилди. Шу мақсадда тинмай изланди, машҳур ижодкорлар тажрибасини ўрганишга ҳаракат қилди, маҳоратини чархлади.

Илк операторлик иши — "Доира" бадиий филмидаёқ Даврон кўпгина филмларда қолип бўлиб колган юзаки ахборотбозликдан воз кечди. "Доира" картинаси дарҳол жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Филм кадрлари ажойиб пластикаси, шоирона ва романтик баёни билан кўпчиликни мафтун қилди. Дамир Салимов сценарийси асосида яратилган мазкур филмда асосий оғирлик тасвирга тушган бўлишига қарамай, Даврон ўз вазифасини аъло даражада бажарди. "Доира" болалар учун мўлжалланган бадиий филм сифатида қабул қилинган бўлсада, инсон ва от ўртасидаги муносабатларда бошқа маъно ҳам яширинган эди. Кескин саҳналар томошабин юрагида ҳайрат ҳисси билан бирга, отлар устидан ҳукмронликка эга бўлиб олган шафқатсиз одамларга нисбатан исён уйғотарди. Аниқроқ қилиб айтганда, "Доира" филми инсон ҳурлиги, руҳий озодлиги ҳақидаги мадҳия эди.

Бу филмдан сўнг Д.Салимов "Ўзбекфилм" киностудиясида "Умид қушлари" каби бир қанча бадиий филмларни суратга олди. Аммо Давроннинг ҳужжатли кинога бўлган муҳаббати устунлик қилди. У бутун умрини, истеъдодини ўзбек кинохроникасини ривожлантиришга бағишлади.

Албатта, Д.Салимов кино оламига текис, равон йўлдан кириб келгани йўқ. Ўша даврларда кино ижодкорлари олдида мураккаб муаммолар сероб эди. Филмларнинг мавзу ва шаклини эркин танлаш ҳуқуқи ҳамиша ҳам муаллифнинг қўлида бўлмасди. Айниқса, ҳужжатли филм ижодкорлари олдида мафкуравий чеклашлар кўп бўларди. Шунга қарамай, Даврон ортга чекинмади, бир қанча истеъдодли ижодкорлар билан биргаликда сунъий тўсиқларни енгиб, ҳужжатли киномизга янги нафас олиб киришга муваффақ бўлди.

Янгиликка интилиш, ўзига хос шаклларни кашф этиш Д.Салимов ишлаган ҳужжатли ва бадиий кино учун қонуниятга айланди. "Янги йил", "Қўлинг билан осмонга осил", "Қумдаги шаҳар", "Сув келди", "Масал", "Интиҳосиз 9 дақиқа", "Ниҳоят, оби ҳаёт келди", "Уй сари олис йўл", «Адолат», «Афсона», «Она», «Маҳалла» каби бетакрор филмларни суратга олди. Бу картиналар ҳам шаклан, ҳам мазмунан бири-бирини қайтармасди. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос ёндашув, томошабинларга айтмоқчи бўлган фикр, дард бор эди.

Операторни машҳур қилган картиналардан бири "Бобо" филмидир. Мазкур асар, бир қарашда, маиший мавзудаги ҳужжатли филм бўлиб кўринса-да, унинг тагзамиридаги ғоя инсон ва ҳаёт ҳақидаги чуқур фалсафа билан йўғрилган. Даврон ҳақиқатни осмондан эмас, атрофимиздаги ҳаётдан излашга ҳаракат қилди. У ўзбек қарияларининг кундалик турмушини акс эттирар экан, асосий эътиборни нуроний одамларнинг мураккаб қиёфаларини тасвирлашга қаратди. Шу билан бирга, асарга ҳақиқий миллий руҳни ҳам сингдира олди. Зеро, филмда иштирок этувчи ҳар бир қария образи замирида халқимизнинг юрак тафти сезилади.

Д.Салимовнинг касбига меҳри биз ҳамкасбларини ҳамиша лол қолдирарди. Баъзида кино ҳақидаги ўйлар унинг бутун руҳиятини қамраб олгандек туюларди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Давроннинг ҳаёти ва касби орасида ҳеч қандай чегара мавжуд эмасди. Эсимда, бир куни суратга олиш майдонига чангга ботган бир машина кириб келди. Машинанинг аҳволини кўрган одам уни бирон жанговар ҳаракатларда иштирок этиб келяпти, деб ўйларди. Бир пайт машинадан қўлида камера ушлаган Даврон тушди. Биз ажабланганча, "Нима бўлди? Тинчликми, қаердан келяпсан?" деб сўрай бошладик. Даврон эса хотиржамгина "Қорақумдан", деб жавоб берди. Ўшанда кўпчилик Давроннинг касбига меҳрини кўриб ҳайратга тушган эди. Чиндан ҳам Даврон кинони, камерани қаттиқ севарди. Ҳатто журналлар учун суратга олинадиган кичик лавҳаларга ҳам юрагини бахш этарди.

Шахсан мени Д.Салимов фаолиятидаги ранг-баранглик ўзига мафтун қилганди. Унинг ижодий йўли турли изланиш ва экспериментларга жуда бой. Масалан, 70-йилларда сўнг Д.Салимов ижодида иккинчи жаҳон уруши мавзуси етакчилик қила бошлади. Бу борада "Уй сари олис йўл" филми катта аҳамиятга эга. Кўпгина замондош режиссёрлардан фарқли ўлароқ Даврон филмда асосий эътиборни жанговар саҳналарга эмас, балки собиқ ўзбек аскарининг ўтмиш билан боғлиқ ўй-хотиралари, чуқур изтиробларини акс эттиришга қаратди, имкони борича жасоратбозликдан қочиб, табиийликни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Айниқса, филмдаги эски жанговар дўстларнинг учрашув саҳнаси таъсирчанлиги ва самимий ҳиссиётлари билан ажралиб туради. Давроннинг бу мавзуга мурожаат қилганининг бошқа бир сабаби бор эди. Унинг отаси ҳам ана шу уруш иштирокчиси эди. Ўша оғир давр хотиралари Давронда чуқур из қолдирди. Кейинчалик "Урушдан кейин қирқ йил" филмида жанг майдонларида қон кечган фахрийлар тимсолида у отасининг фазилатларини ҳам мужассамлантиришга интилди.

Шу ўринда Д.Салимов яратган асарлар миллий кино санъатини жаҳонга танитишда катта ҳисса қўшганини унутмаслик лозим. Унинг бир қанча картиналари халқаро танлов ва фестивалларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Масалан, "Доира" филми Бергамо шаҳрида ўтказилган кинофестивалнинг "FIPRESI" совринини қўлга киритган бўлса, "Бобо" филми Краков шаҳрида ўтказилган фестивалнинг бош совринини — "Кумуш аждаҳо"га сазовор бўлди. Шунингдек "Оғриқ" филми Ромен Кармен номидаги фестивалда "Энг яхши операторлик иши учун" номинациясида ғолиб бўлган.



Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб Д.Салимов ҳужжатли кино соҳасининг энг забардаст вакилларидан бири сифатида майдонга чиқди. Айнан шу пайтда унга Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмлар киностудиясига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Д.Салимов раҳбарлик қилган йиллар киностудия тарихидаги энг ажойиб давр бўлди. Даврон қисқа муддат ичида киностудия фаолиятини қайтадан жонлантириб, бу ерда ўзига хос ижодий муҳитни шакллантиришга муваффақ бўлди. Бу давр нафақат Давроннинг, балки бутун ҳужжатли кино фаолиятидаги изланишларга бой, энг қизғин паллa сифатида тарихга кирди. Афсуски, ижодкор турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишга, ҳақсизликларни бошдан кечиришга мажбур бўлди. Бу эса охир-оқибат унинг соғлиғига путур етказди.

Шунга қарамай, Даврон Салимов санъат оламида ўз сўзини айтишга улгурди. Унинг ҳужжатли кино соҳаси ривожига қўшган улкан ҳиссаси бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Санъаткор дадил изланишлари билан ўзбек кинохроникасининг янги тенденцияларини белгилаб беришга муваффақ бўлди. Бу ажойиб ижодкор ҳозир орамизда бўлмаса-да, соф руҳияти, теран фалсафаси у яратган филмларда ҳамон яшамоқда.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди, профессор**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Тошкент Фотосуратлар уйида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган "Ёд этайлик" номли кўргазма очилди. Унда биринчи ўзбек фотосуратчиси марҳум Худойберган Девонов ҳамда таниқли фотосуратчиларнинг саксонга яқин суратлари намойиш этилмоқда.

Х.Девоновнинг "Овчи", "Дала ишлари", "Хиваликлар" каби суратларида йигирманчи аср бошларидаги Хива шаҳри ва хиваликлар ҳаёти акс этган. Марина Богатированинг ўндан ортиқ рангтасвир асарлари ва шеърлари томошабинларни жалб этди. Марина қисқа ҳаёти давомида бир олам гўзаллик яратгани кишини ҳайрон қолдиради. Дмитрий Михайлов, Валентин Ермаков, Олег Зозуля каби ижодкорларнинг асарлари ҳам бетакрор манзаралари билан томошабинларга манзур бўлмоқда.

**Дилрабо САЙДАЛИЕВА**

Ўзбекистон давлат Консерваториясида "Мустақиллик йилларида ёшлар ижодиёти" мавзуида талабалар анжумани бўлиб ўтди. Мусиқашунослик бўлими талабалари Камола Саидова, Зебо Набиева, Мадина Толипова, Нилуфар Қирғизбоева, Наргиза Султонбоеваларнинг маърузалари алоҳида эътироф этилди.

Айниқса, II босқич талабаси Ҳаёт Дўстматовнинг "Санорикага кириш ва унинг асосий тушунчалари" мавзуидаги маърузаси, Музаффар Тошпўлатовнинг XX аср мусиқасининг жанр хусусияти ҳақидаги чиқишлари мутахассисларда ҳам, анжуман қатнашчиларида ҳам катта таассурот қолдирди.

**Гулчеҳра ДОНИЁРОВА**

# АНЪАНАЛАРНИНГ АЗАЛГИ ЖИЛОСИ

## Бухорода "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали туфайли Кўҳна Бухоро шаҳрига даврий кечмишларни енгиб ўтган асл маданият тимсоли қайтгандек бўлди. Икки кун давом этган фестивал дастурлари "Эски шаҳар"ни бутунлай янгилаб юборди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида ўзига хос руҳда ўтказилган бу фестивал таровати, сурури ва фусуни билан кўпчилик, ҳатто чет элликларда ҳам катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотди.

Халқ ўйинлари, фолклор жамоалари чиқишлари, дорбозлик, қўчқор ва хўроз уриштириш томошалари, безакли-амалий санъат ярмаркаси, миллий либослар ва таомлар намойиши, гала-концерт анъанавий фестивалнинг асосий дастуридан ўрин олди.

Миллат ўзлиги ибтидоий жамоа даврида теримчилик билан боғлиқ қўшиқлар ва ўйинларда акс этган бўлса, ҳайвонлар қўлга ўргатилгач эса "Қўш ҳайда", "Турей-турей", "Қайсар от"да намоён бўла бошлайди. Темир кашф этилганда "Темирчи", сўзлашув воситаси пайдо бўлгунга қадар пантомимо, томошабоп чиқишлар учун "Қўғирчоқ театрлари" ва экран санъати асарларида ўз аксини топиб келяпти... Лекин ана шу асарларнинг бугунга қадар етиб келиши осон кечмади. Дарвоқе, қадриятлар вақтга эмас, вақт қадриятларга бўйсунаркан. Ҳақ гап... Йўқса, биз бугун глобаллашув ва ахборотлашган даврда ҳам миллий халқ сайлларига чиқармидик?

Ўйинлар "Арк" ҳудудидан бошланиб, "Лаби Ҳовуз"гача бўлган катта майдонни эгаллади. "Улуғбек мадрасаси"да кураш, "Кўкалдош"-да миллий либослар, "Абдулазизхон"-да миллий таомлар, "Жуйбори Калон" мадрасасида "Меъморий эпиграфика дурдоналари" китоби тақдимоти ва "Пойи Калон" мажмуасида кечки гала-концерт ўтказилди. Унда халқ ўйинлари ва оғзаки ижоднинг ҳудудий кўринишлари, бири иккинчисини такрорламайдиган урф-одатлар ва анъаналар бугун — асрлар ортида ўз жилосини қайта топди.

Айниқса, фолклор жамоаларининг чиқишлари сайёҳларнинг эътиборини тортди.

— Юртингизга илк бор ташриф буюришим, — дейди янги зеландиялик сайёҳ Крис Арселл. — Мени ўзига тортган жиҳат — бу миллий рақсларнинг ижро усулидир. Унда ҳеч бир миллат рақсига ўхшамайдиган жозиба ва ҳаракат акс этган. Камалакдек товланган миллий либосларингизга мафтун бўлиб, адрас матолардан харид қилдим.

Фестивал ярмаркасида кулолчилик, зардўзлик, ўймакорлик, пичоқчиликдан тортиб тақинчоқларнинг ноёб турларигача, ипак матолару адрас ва атласлардан тортиб кашта, дўппи, телпакчилик ва ҳатто замонавий фотоаппарат ва қўл телефони ғилофларигача нафис нақшлар билан безатилган миллий амалий санъатнинг ноёб намуналари намойиш этилди.



Айниқса, фолклор гуруҳлари чиқишлари анжуманга ўзига хос кайфият бағишлади. "Галди-галди" ва "Лазги"да хоразмча шукуҳ, "Мойчи", "Тегирмончи" қўшиғида бухорча сахийлик, "Қўш ҳайда" ва "Чиқ-ҳо-чиқ"да қашқарча меҳнаткашлик ва интизорлик, "Кампиржоним-бобойжоним"да сурхонча навқирон кексалик ғайрати, "Дўппи" ва "Марғилон хонатласи" куйларида водийча таровот ва фараҳ яққол сезилиб турди.

Улар ёнида созлар "сўзлашуви" давом этади. "Суҳбат"ни ёй билан чалинадиган энг қадимги турк чолғуси бошлаб берди. Иккинчи бўлиб тут ёғочдан ясалган йигирма пардали, ҳатто "Шашмақом"-ни ҳам ўзига сиғдира оладиган танбур тилга кирди. Сўнг Хоразмда пайдо бўлиб ривожланган рубоб, биринж ё бақирдан ясаладиган қўшнай, уч торли ёй билан чалинадиган ғижжак ва охирида "бак"-"бака"-"бум" товушини берувчи доира ҳам умумий жамоага жўр бўлди. Шу тариқа, миллий оҳанглар жўрлиги фестивалнинг маънавий бойишига хизмат қилди. Бу жўрнавоз оҳанглар, беихтиёр хаёлларни асрлар қаърига етаклаб кетади. Давр руҳи, кайфиятини қадимий бинолар уйғунлигида акс эттиради.

Эстрада оммавийлиги ҳам енголмаган бахшилар ноласи дилга ором бера бошлади. Оқин, жиров, халфалар ўз мунгини ижро этди. Бошқа ҳеч бир миллатда учрамайдиган бу ижронинг тўлиқ таърифини сўз шаклига сиғдириш қийин эди. Ўйлаймизки, бизнинг бахшилару жировларимизнинг ҳар бири "бир қўшиқчи театри" асосчиларидир. Бахши бўғзида таралаётган овоз ичида драматургия, драматургия ичида сюжет, сюжет ичида воқелик, воқелик ичида образ, образ характерида кулминация ва ечим акс этади. Бошқача айтганда, "бир қўшиқчи театри" муаллифларининг бетакрор ижросида "Станиславский системаси"ю, "Брехт назарияси"нинг барча талабларига жавоб топилади. Мазкур фикрларни фестивалдан ўрин олган "Қўғирчоқ театрлари"га нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Қўғирчоқ театрининг ҳар бири алоҳида ўзига хос театрдир.

— Фестивалда ҳар йили иштирок этаман. Бу сафар ҳам гуруҳимиз билан "Наманганнинг олмаси" каби қўшиқларни ижро этдик, — дейди "Ёр-ёр" фолклор гуруҳи раҳбари Ёқутхон Раҳматуллаева. — Водийнинг учта вилояти ўртасидаги масофа жуда яқин бўлишига қарамай, қарийб неча минг йиллардан буён фақат бир ҳудуднинг ўзида куйланиб келинаётган қўшиқлар бор. Биз буларни ўз усулида, ўз вариантида ижро этишга ҳаракат қилдик. Келгуси танловларда ҳозирги кунда унутилиб кетган, фақат тарихий манбалардагина учрайдиган "Зиндон рақси" билан иштирок этишни режалаштирганмиз.

Фестивалнинг иккинчи куни "Нодир Девонбеги хонақоси"да намойиш этилган бир асар эътиборимни тортди. Суратда пирамида тасвирланган бўлиб, унинг пастки қисмидан то энг тепа — учигача бўлган барча қатламида нафис араб ёзувидаги сўзлар битилган эди. Пастдан тепага қадар торайиб борувчи бу пирамиданинг энг тепасида "Аллоҳ" сўзи битилган бўлиб, ушбу асар ўтган асрнинг 70-йилларида Арабистонга борган, араб ёзуви хаттотлигига қизиқиши ортиб, уни чуқур ўрганган, юртига қайтгач, беш йилдан сўнг ислом динини қабул қилган, шунинг учун ўзига "Фуад", яъни "Юрак" маъносини англатувчи мусулмонча исм танлаб, "хаттот" унвонига сазовор бўлган япон олими Коичи Хонданинг юртимизда ўтказилаётган "Бухорои шарифга бағишлов" номли илк шахсий кўргазмасидан ўрин олган сурат эди. Бундан ташқари, кўргазмада олимнинг кўплаб ана шундай тафаккури маҳсуллари бўлган асарларни учратиш мумкин.

— Барча асарларимни муқаддас "Қуръон" суралари ва оятлари мазмуни асосида ўз фалсафий фикрларим билан уйғунлаштириб ишлаганман, — дейди Фуад. — Шунинг учун ўйлаган фикрларимни ислом дини анъаналари ва ёзувининг бетакрор жилосини ҳис этиб яратишга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, асарларда акс этган фикрлар кўпгина мусулмон дўстларимиз юрагига, қалбига, шуурига етиб борди.

Дарҳақиқат, "Бухорои шарифга бағишлов" кўргазмаси санъат ихлосмандлари ва ижодкор ўртасида кечган жонли мулоқотга уланиб кетди.

Амалий-безакли санъат намуналарида соф миллий урф- одатлар, менталитетга хос андиша ва ҳаё туйғулари сақланиб келяпти. Бухороликлар деярли ҳар бир сопол идиш айланаси қирраларини майда бўртиб чиққан, "томчи" шаклини акс эттирувчи чизгилар билан безатаркан. "Томчи"ларнинг рамзий маъноси шуки, эр-йигитнинг ризқи оилада ана шу томчилардек рўзғорга оқиб кирсин....

Яна бир сопол идиш "дуғоба"-да ҳам қизиқ бир удумнинг белгиси учрайди. Асли "дўқ урувчи" маъносини англатувчи "дуғоба" унча катта бўлмаган сопол идиш бўлиб, қадимда агар уйда рўзғор маҳсулотларидан нимадир камайиб қолган бўлса, аёл оила бошлиғига етишмовчилик ҳақида хабар бериш учун ўша идишнинг ичига кам қолган маҳсулотдан бир-икки дона солиб қўяркан. Эркак ҳам "дуғоба"га қараб камчиликни бутларкан, тўлдираркан. Жаҳлларини "дуғобалар"га жойлаган аёлнинг ички маданияти бугунги қизларга ибрат бўлса ажаб эмас.



Фестивал доирасида ўтказилган миллий либослар намойиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўзига хос декоратив усулда безатилган қадимий "Кўкалдош" мадрасасида намойиш этилган эркак ва аёллар либослари энг қадимий кийимлар намойишидан бошланди. Сўнг даврий изчиллик ва кетма-кетлик тусини олиб, ҳар бир асрнинг ўзига хос кўринишини белгилади. Сўнг навбат тобора замонавийлик кўринишини олган модаларга етиб келди. Миллий матолардан тикилган либослар замонавий дизайн санъатининг ёрқин намуналаридир.

"Кинофестиваллар замонавий жаҳон маданияти феномени" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида режиссёрлар, актёрлар, кино санъати ижодкорлари иштирок этди. Давра суҳбатида куз ойида Тошкентда ўтказиладиган халқаро кино фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб ўтказиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Фестивал сўнгида гала-концерт намойиш этилди. Унда ғолибликни қўлга киритган фолклор дасталари ва санъаткорлар дилрабо куй-қўшиқларини тақдим этди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Зулайҳо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдулла Шомағрупов, Тоир Қўзиев ва "Сато" гуруҳи, Ҳосила Раҳимова ва бошқа санъаткорлар ижро этган сара қўшиқлар кўнгилларни забт этди.

Фестивалда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги вакиллари, элчилар ва бошқа етакчи дипломатик корпус вакиллари қатнашиб, қадимий миллий анъаналар, қадриятлар ва урф-одатларни тиклашда "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалининг аҳамияти юқори эканини таъкидладилар.

Ғолибликни қўлга киритган жамоаларга диплом ва совғаларни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримова топширди.

Миллий либосдаги қизларнинг меҳмонлар ва иштирокчиларга турли ширинликлар улашиши халқимизнинг бағрикенглик ва меҳмондўстлигига рамзий ишорани бериб турарди.

Бу йил тўртинчи маротаба ўтказилган маданият фестивалида намойиш этилган ҳар бир тадбир ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Энг муҳими, "Асрлар садоси" йилдан йилга оммавийлашиб, ривожланиб бораётганини таъкидламоқчимиз.

**Шоҳсанам ХИДИРОВА**

«Матбуот тарқатувчи» АК. — Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Яхшилар ёди

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ЭДИ

***Таниқли шоир Жуманиёз Жабборов ўз услубига, ўз овозига, қолаверса, ўз фалсафий қарашларига эга ижодкор эди. Шоирнинг асарларидаги "мен"и орқали унинг камтарона қиёфаси кўриниб турса, поэтик фикрларга бой, образли мисралари шеърият мухлисларига ҳузрбахш ҳарорат бағишлайди.***



Зеро, бадиий адабиётнинг эзгу вазифаларидан бири инсонни ўзини ўзига англатишдир. Албатта, инсоннинг ўз-ўзини чуқур англаши учун англаш азобини, аввало, санъаткорларнинг ўзлари бошидан ўтказадилар. Шу маънода Жуманиёз Жабборовнинг "мен олис умрим йўлин кўздан кечирдим неча бор", "мен нечун шоир бўлурман, ўз сўзимни топмасам...", деган сатрларини шоирнинг қалб амри, поэтик кечмиши сифатида қабул қилиш мумкин.

Жуманиёз аканинг турли даврларда ёзган шеърларида замон нафаси сезилиб туради, у давр фарзанди сифатида юз берган воқеаларга фаол муносабат билдиради, доимо йиллар китобига янги-янги саҳифалар битиб боради, ёркин миллий руҳият кайфиятлари билан йўғрилган сатрларида янги бир гап айтишга ҳаракат қилади. Ўз-ўзини англаш жараёни шоир шеъриятида тадрижий бир хусусият сифатида яққол кўзга ташланади.

Жуманиёз Жабборовнинг "Ажаб дунё — севги дунёси" китобини Истиқлол шарофати ила юзага келган мустақиллик меваларидан бири, дейиш мумкин. Чунки шоирнинг мазкур тўплами билан танишар экансиз, мутлақо янгича руҳий бир олам оғушида ҳис этасиз ўзингизни. Шеърлар теран фалсафийлик касб этса, ғазаллар ниҳоятда нафислиги, образлилиги ва рамзларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шоир шеъриятида инсоннинг ижодий даҳосини, чуқур руҳий зиддиятларини, юксак ахлоқий-маънавий интилишларини ифодалаш асосий йўналишлардан биридир. Шоир бу йўналишни ифода этишда ижтимоий мазмун билан фалсафий мазмунни бир-бирига уйғунлаштириб, юксак бадиий ранглар ҳосил қилади. Истиқлолнинг миллат учун энг олий неъмат эканлигини таъкидларкан, фавқулодда теран хулосаларни тақдим этади:

**Агарчи соҳибдирсан ўз фикру ўз сўзингга,**
**Агарчи бойликларинг буюргандир ўзингга,**
**Агарчи давраларда янграса ўз қўшиғинг,**
**Фарзандларинг бўй-басти букилмаса аламдан,**
**Умидларинг кўп бўлса бу антиқа оламдан,**
**Демак, орзу йўлига чиқиб олмиш карвонинг,**
**Энг яхши манзилларни кўзлагандир сарбонинг.**
**Шудир, дўстим, сен байроқ этган буюк бахт-иқбол,**
**Диёр бўйлаб кенг қанот ёзаётган Истиқлол.**

«Шарқ улуғлари яратган адабиётдан англаган дунём шу бўлдики... меҳр-муҳаббат, вафо, умуман, кўҳна адабиётимизнинг ажралмас хусусияти, сарчашмаси. Бу мавзуда ёзилган асарлар жамланса, қалин-қалин китоблар юзага келади, — деб ёзган эди Жуманиёз Жабборов. — Лекин унинг таҳлили кам. Чунончи, бу туйғу одамзод каби мангудир. Балки бу эътиқод улуғ Навоий каби буюкларнинг асарларини, «Шоҳнома»ни ўқиганимда уйғонгандир. Айтолмайман. Шу мавзуни бадиий тадқиқ этишда ҳар қаламкаш ўзига мақбул ифода йўсинини танлайди. Ўқувчининг назарига тушишга ҳаракат қилади. Мен бунга қанчалик эришганман, бу ўқувчиларга ҳавола. Юртга, одамларга қўлингдан келган яхшилик, меҳру муҳаббатингни бағишлай олиш катта бахт».

Инсонлар ўртасида меҳру муҳаббат, ишонч ҳеч қачон сўнмаслигини, одам одамга доим илиниб яшашини таъкидлаш билан шоир инсоннинг шахсий бахти, тақдири билан ўйнашадиган баъзи кимсаларга яна ва яна мурожаат қилиб, уларнинг ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари, ўзини маърифатли, маданиятлиман, деб юрган баъзи кимсаларнинг ички дунёси ниҳоятда мўрт ва чекланганлиги ҳақидаги қуйма сатрлар битадики, улар ўқувчини бефарқ қолдирмайди:

**Уларга писандмас дарз кетса замин,**
**Сув тошиб, бир элни ютса гирдибод.**
**Улар бир ночорнинг на ейди ғамин,**
**На қулоғин тутар биров қилса дод.**
**Ўйлар: мутасадди бордир бу ишга,**
**Ўшалар масъулдир «ташкил қилишга».**

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров Жуманиёз Жабборов шеъриятидаги ҳаётсеварлик ғояларининг маҳорат билан бадиий тасвирланиши ҳақида салмоқли фикрларни баён этган: «Жуманиёз Жабборовнинг шеърлари оралаб Қашқадарё чўлларининг майин ва беозор шабадалари кезиб юрганга ўхшаб кўринади менга. Шунинг учунмикин, унинг шеърларини ўқиганимда одамнинг кайфиятига юмшоқ бир руҳ кириб келади. Манглайингизга қалдирғочнинг ипак қаноти тегиб ўтгандай бўлади».

Ҳақиқатан ҳам, шоир Жуманиёз Жабборов ўз юртига, унинг бепоён кенгликларига, кўм-кўк яйловларига, чўлу биёбонларига доимо интилиб яшади. У Қашқадарёни «гўзал юртим, юракдаги меҳробим», деб атайди. Ўз юртининг соддадил ва меҳри барқ уриб турган инсонларини, дўсту биродарларини соғиниб, интиқ бўлиб куйлайди:

**Ватан ичра минг чаман, минг боғим бор,**
**Ҳар биридан фахрим бор, ардоғим бор.**
**Лекин бири — кўз ичра қароғим бор,**
**Кўнгил уйин ёритган чироғим бор,**
**Қашқадарё — суянгудай тоғим бор.**
**Юр азизим, айни сафар пайтидир,**
**Мўл-кўл ҳосил, тўкис зафар пайтидир,**
**Ғазна-ғазна унган самар пайтидир,**
**Йўл пайти бу, айни саҳар пайтидир,**
**Кўз тутувчи кўп дўсту ўртоғим бор.**

Жуманиёз Жабборов поэзияси бир ўқишда ниҳоятда сокиндек, мавжланиб турган денгиздек таассурот қолдиради. Лекин шоир шеърий дунёсига чуқурроқ кириб борар экансиз, унинг шеър ва достонлари, ғазалларида ички бир туғён, пинҳона бир дард, рамзлар борлигини илғаш қийин эмас. Маълумки, кўпгина атоқли шоирлар шеъриятида «йўл» лирик қаҳрамон кайфияти, бахти ва бахтсизлиги билан чамбарчас боғланган ҳолда ифода этилади. Бунда "йўл" тушунчаси фақат инсонларни бир манзилдан иккинчи бир манзилга олиб борадиган йўл маъноси билангина чегараланиб қолмайди. Инсонларнинг ҳаёт, тақдир йўли маъносида ҳам рамзий қўлланилади. Масалан, устоз Ойбек:

**Йўл кўп узун... ҳар томоним тоғлиқ, тошлиқ,**
**Уринаман ўтмоқ истаб бу йўллардан —**

деб ёзган эди.

Жуманиёз Жабборов ҳам ўзбек поэзиясидаги йўл ва инсон тақдири анъанасини давом эттириб, "умримиз йўлдан иборат" дейди.

**Умримиз йўлдан иборат, сўнги йўқ юрган билан,**
**Кўзларинг тўймас бу дунё кўркини кўрган билан...**
**Йўлга чиқдингми, топурсан бахтни, йўллар — имтиҳон,**
**Ким муродга етди, айт, бир ерга ўлтирган билан.**

Шоир ғазалларининг мавзулари ҳам ниҳоятда ранг-барангдир. У "ҳамма гапни ғазалда бериш мумкин", деганда, аввало ғазалда севги-муҳаббат мавзусини юксак бадиий рангларда бера олиш мумкинлигини назарда тутган бўлса, ажабмас. Унинг ғазалларини ўқир экансиз, уларнинг аксарияти муайян бир давр шароитини ўзида ифода этишини, яна бир туркум ғазаллари бевосита муаллифнинг ҳаёт йўли, руҳий кечинмалари билан боғлиқ деталлар асосига қурилганининг гувоҳи бўлишингиз мумкин:

**Кўзимда йўқ уйқулар, кўнглимда сирли туйғулар,**
**Наҳотки кетмай қайғулар — ғамхона этгайсиз мени.**

Серқирра ижодкор сифатида устозининг достончилик, драматургия ва таржимачилик соҳаларидаги ижоди ҳам алоҳида тадқиқ қилишга, ўрганишга арзийди. Жуманиёз аканинг илк достонларидан бири "Гулшан"да муҳаббат мавзуси асосий ўринда турса, "Саҳро санами" достонида иккинчи жаҳон уруши йилларидаги инсонлар ҳаёти қаламга олинади. "Она ер қўшиғи" Қарши чўлқуварлари ҳаётидан ҳикоя қилса, "Толли маржон достони" эса "Она ер қўшиғи"нинг мантиқий давомидек туюлади. Чунки мазкур достонда ҳам шоир яна Қарши чўлидаги яратувчилик меҳнати, буюк ўзгаришлар ҳақидаги самимий лирик монологини давом эттиради. Шоирнинг "Тоғлар садоси" ва "Йўлдаги ўйлар" достонлари яхшилик билан ёмонлик, эскилик билан янгиликлар курашидан, адабиёт ва санъатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида баҳс этади. Умуман, Ж.Жабборовнинг достонлари ҳаётий туйғулар, кечинмалар, руҳий изланишларга бой.

"Ўжарлар", "Тўйдан олдин томоша", "Йиллар ўтиб", "Чўл чақмоғи", "Муҳаббат наққоши", "Оппоқ кабутарлар" пиесалари саҳналаштирилган. Масалан, биргина Муқимий номидаги мусиқали драма театри Жуманиёз Жабборовнинг "Ўжарлар", "Йиллар ўтиб", "Тўйдан олдин томоша", "Оппоқ кабутарлар" пиесаларини саҳналаштириб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Жуманиёз Жабборов драмаларида ҳаётий муаммолар, кўпроқ оилавий-маиший мавзуни ёритган, ёшларнинг севги изтироблари, улар ҳаётидаги ёрқин, баъзи ўринларда эса чигал дақиқаларни ҳам қаламга олган. Пиесалардаги енгил, комик воситалар қаҳрамонлар образининг тўлақонли чиқишига омил бўлган. Танланган воқеа ва деталларда ортиқчалик йўқдек таассурот қолдиради. Бу жиҳатдан драматургнинг "Оппоқ кабутарлар" пиесасини алоҳида кўрсатиш мумкин. Мазкур асар Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг репертуаридан мустаҳкам жой олган. Пиесада ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб улгурган олти нафар қизнинг орзу-умидлари, курашлари, изтироблари кўрсатилади.

Жуманиёз Жабборов таржимачилик соҳасида ҳам элга танилган санъаткор эди. Шоир дунё адабиётидаги буюк асарлардан бири Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарини таржима қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Шоир "Шоҳномада"ги Фирдавсийнинг инсонпарварлик, эзгулик, адолат ва тинчлик ғояларини ўзбекчага жуда моҳирона ўгирган. Шунингдек, Ж.Жабборов ҳинд, инглиз, рус, украин, озарбайжон халқларининг буюк сиймолари ижодидан ҳам кўплаб нодир таржималар қилиб, китобхонларга тақдим этди.

Қалби пок, ҳаётда ва ижодда ҳалолликни хуш кўрадиган, юрагида ёшлик завқи жўш уриб турадиган, табиатан ҳазил-мутойибага мойил, ҳаётда инсонни мағрур ва иродали кўришни доимо орзу қилиб келган Жуманиёз Жабборов ижоди Қашқадарё кенгликлари каби бепоён, денгиз каби доимо мавжланиб туради.

**Бойназар ЙЎЛДОШЕВ,**
**филология фанлари доктори**

Соғлигинг — бойлигинг

## ШОВҚИН, ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Еврокомиссия мутахассислари нохуш экологик шароит билан боғлиқ ўлим ҳоллари ва касалликлар сабабини ўрганиб, ҳар йили турли шовқинлар европаликларнинг ўртача 1,6 миллион йиллик умрига зомин бўлаётир, деган хулосага келишди. Бошқача айтганда, оғир экологик вазият туфайли ҳаётдан кўз юмган ва хасталанган кишилар ёши қўшиб чиқилганда ана шундай афсонавий рақам ҳосил бўларкан. Бунда шовқиннинг инсон соғлиғида қолдирадиган асорати, ҳавонинг булғаниши боис, соғлигимизга етадиган зарардан нисбатан кам. Негаки, ҳавонинг ифлосланиши саломатликка шовқиндан ҳам кўра катта зарар етказади. Шовқин қон босимини кўтариб, ҳатто одам ухлаётган пайтда ҳам стресс қўзғовчи гормонлар меъёрини ошириб юборар экан. Бу эса, вақт ўтиши билан томирларнинг торайиши ва юрак хуружига олиб келади.

Мутахассислар фикрига кўра, турли шовқинлар таъсиридан келиб чиқадиган юрак хуружи билан боғлиқ ўлим ҳоллари туфайли ҳар йили 61 минг, уйқу бузилиши оқибатида 903 минг, асаб толиқишлари натижасида эса 587 минг йилга тенг бўлган соғлом умрлар барбод бўларкан.

**Куёшдаги фаоллашув ва об-ҳаво.** Олимлар маълумотига кўра, қуёшдаги суперфаоллашув ўн бир йиллик даврийликка эга. У сўнгги бор 2000 йили юз берган ва Африка жанубидаги субтропикларга қор ёққан. Шимолий Америкада эса, ўша йили ҳарорат қирқ даражадан ошган. Табиатнинг бундай катаклизмларига дош бера олмаган ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юмишган. Европада эса тропик ёмғирлар боис, дарёлар ўзанидан тошиб, кўп жойларни сув босган. Москвада эрталабки ҳаво ҳарорати +5 даража бўлгани ҳолда, кечга бориб 14 даражагача совуган ва орадаги фарқ 20 даражадан ошган. Натижада инфаркт ва инсулт хуружлари ҳаддан зиёд ошиб кетган.

Японияда юз берган даҳшатли зилзила ва довуллар қуёшдаги навбатдаги суперфаоллашув айнан мана шу йилга тўғри келганидан далолатдир, деб ҳисоблайди тиббиёт бўйича шарҳловчи Т. Рессина. Ҳозир айрим кунлари Москва атрофида атмосфера босимининг кескин даражада тушиб кетаётгани боиси ҳам шунда экан. Табиатдаги бундай катаклизмларга боғлиқ ҳолда ҳаво ҳарорати бирданига совуб ёки исиб кетиши, атмосфера босимининг тез тушиб ва кўтарилиб туриши одам организмини бундай ҳолларга мослашишга мажбур қилади. Негаки, тирик организмлар атмосферадаги ўзгаришларга табиий мослашув тизимига эга. Одатда, ёш ва соғлом одамлар атмосфера босими ва ҳаво ҳароратидаги кескин фарқлардан у қадар азият чекмайди. Уларнинг организми янги тартибларга тез мослаша олади. Бироқ ёш болалар ва қариялар, беморлар организми бу "оғир юк"ни дарров кўтара олмайди. Уларнинг ички "ғилдирак" ва "мурватлари" худди ёғланмагандай қийин "айланади", мослашув сустроқ кечади.

Атмосфера босимининг нотабиий тарзда тушиб кетиши юрак-қон томир хасталикларидан азият чекувчи беморларга нохуш таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, саломатлиги об-ҳавога боғлиқ бўлган жуда кўплаб одамлар ҳам ўзларини ёмон ҳис этадилар. Уларнинг ҳаммалари, касалхонага тушмаслик учун, мумкин қадар аҳволи руҳияларига ниҳоятда эътибор билан қараши, эҳтиётдан шу кунларда соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиши зарур.

**Катаклизмлар пайти кўриладиган чора-тадбирлар.** Энг аввало, ҳаддан зиёд ортиқча овқатланмаслик зарур. Таомлар, асосан, сабзавот ва балиқ маҳсулотларидан иборат бўлмоғи маъқул. Кўкатлардан кўпроқ енг. Ярим стакан қизил мусаллас ичиш фойдали. Кўп қайнаган гўштли ва балиқ шўрва, аччиқ чой ва қаҳва, нўхат ва газланган ичимлик каби қон босимини оширадиган таомлардан тийилиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, оғир жисмоний машқлар ва ҳар қандай оғир меҳнатга қўл урмаган маъқул. Умуман, кунни тинч ва хотиржам ўтказишга халақит берадиган барча нарсалардан воз кечинг. Табиатдаги ўзгариш уйқу маромини ҳам бузиши мумкин. Арслонқуйруқ ёки валерина дамламаси каби тинчлантирувчи воситаларни қабул қилинг. Энг яхшиси, тунда бир дона мелатонин ҳапдорисини ичиб ётинг. Эрталаб нонуштадан сўнг бир дона аспиринни тўртга бўлиб бир қисмини ёки ярмини ичиш фойдали (ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичак яраси билан оғриган беморлар шифокор билан маслаҳатлашгани маъқул). Бу томирларда қоннинг яхши ҳаракатланишини таъминлайди.

Агар табиатдаги ўзгариш боис, эрталабдан ўзингизни нохуш сезсангиз, имкон бўлса ўша куни уйдан узоққа кетманг, вазиятга қараб "тез ёрдам" чақирасиз. Табиатдаги катаклизмлар одамларнинг психик ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади: бировларни ланж, бошқа бировларни эса асабий қилиб қўяди. Бундай кишилар оғир вазиятларда ўзини қўлга ола билишлари керак. Бунда йог машқлари, медитация, аутотренинг, уйқудан аввал уй атрофида сайр қилиш фойдали. Ҳеч ким билан баҳслашманг, майда-чуйда нарсаларга эътиборсиз бўлишга ҳаракат қилинг, токи салбий ҳиссиётлар юрак ва қон томирлар ҳолатига таъсир кўрсатмасин.

Бордию кайфиятингиз аъло бўлмай, асабийлик ҳолатини сезсангиз, ўша куни машина ҳайдаманг, оғир ишлардан тийилинг ҳамда мураккаб келишувларни кўзда тутманг. Табиатдаги аномал катаклизмлар пайтида соғлом одамлар ҳам ўз организмига қулоқ солиб иш тутишлари керак.

Эътироф

# ЎНТА ҲИКОЯНИНГ КУЧИ



Устоз адибларимиздан бири ёш ижодкорларга кўпроқ ижтимоий мавзуларда мақола ёзинглар, битта яхши мақола ўнта ҳикоядан афзалроқ, деб сабоқ берарди ва ҳаётий муаммо кўтарилган мақоладан элга, одамларга наф кўп, дерди. Шу ўгит ҳар гал ёдимга тушганда асарларини одамлар қўлдан қўймай ўқийдиган, ёзган бирор мақоласи бундайроқ ўнта ҳикоя салмоғини босадиган моҳир ёзувчи-журналист Алиназар Эгамназаров кўз олдимга келади.

Алиназар ака билан "Тошкент оқшоми" таҳририятида роппа-роса ўн йил ёнма-ён ишлаб, ака-ука тутинганмиз. Устознинг дилкаш гурунглари, беминнат сабоқларидан баҳра олган ижодкорлар кўп. Алиназар ака журналистлик дипломини олгандан сўнг, Мирзачўлда вилоят газетасида фаолиятини бошлаган. Кўп йиллар матбуот қозонида қайнаб, етарли "ижодий сармоя" билан пойтахтга қайтган, шаҳар газетасида масъул котибу саноат бўлими мудири сифатида сал кам йигирма йилча тер тўккан. Унинг кўпчилик назарига тушган, элга танитган, китобларига ҳам кирган бири-биридан ўқишли мақолалари ўша йилларда ёзилган, кейинчалик "Шарқ юлдузи" журнали публицистика бўлими мудири бўлиб ишлаган йилларда яратган тадқиқот мақолалари билан бирга ўзбек бадиий публицистикаси довруғига довруқ қўшганди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Алиназар Эгамназаров одамлар бирбирига ўқиб қўйишни таклиф этадиган долзарб ва аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқот-мақолалар ёзишга моҳир журналист. Унинг яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Оқловдан сўнг" деб номланган янги сайланма китобига ҳужжатли қиссалар, мақола ва очерклар жамланган. Китоб номи билан аталган очеркда умрининг ўн беш йиллик гул даврини Сталин қамоқхоналари ва сургунларида ўтказган жафокаш инсон, беназир аллома Тўхтасин Жалоловнинг оқланиб, юртига қайтиб келганидан сўнг ҳам тортган азоблари, шунга қарамай, адабиётимиз равнақи йўлида амалга оширган ишлари, бетакрор ижоди, мард ва олижаноб инсон сифатидаги фазилатлари қаламга олинган. Бу очеркни фақат Тўхтасин Жалоловдек фидойи инсон ҳаётининг эмас, ўтган аср ўттизинчи йиллари охиридан саксонинчи йилларга қадар — қарийб ярим асрлик мураккаб давр солномаси дейсиз.

Қаҳрамон ҳаётининг долғали нуқталарини таҳлил этиш орқали тарихни яққол гавдалантириш Алиназар Эгамназаров ижодий услубига хос етакчи хусусиятлардан бири. Бу хусусият унинг "Сиз билган Дукчи Эшон" ва "Саргардонлик" ҳужжатли қиссалари, "Амир тахтидан қулатилгач", "Беш жангчининг онаси", "Сургун" каби очерклари, "Олтин, кумуш тош экан", "Ғирвонлик Маллавой" изидан" каби кўпдан-кўп мақолаларига ҳам тааллуқли.

Халқимиз тарихининг ўчмас саҳифаларини ўрганиш, имкон қадар турли манбаларни қиёслаб, улар орасидан энг қимматли тарихий материалларни холислик билан ўқувчи ҳукмига ҳавола этиш борасида Алиназар Эгамназаров амалга оширган ижодий изланишлар алоҳида эътиборга сазовор. Ўтмишнинг шу чоққача мавҳум бўлиб келаётган саҳифаларини тадқиқотчи-публицист ва, айни чоғда, истеъдодли адиб нигоҳи билан ўқиб-ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш, айниқса, мароқли.

"Беш жангчининг онаси" очеркида: "Ўтган ҳафта Назираникида пилла терганимизда Зулфия беш ўғлига ёзган марсиясини ўқиб берди. Бир айвон аёлнинг ҳаммаси йиғлади. Вой, бу аёлни билмас эканмиз, метин экан-а! Акобирдай беш ўғлидан жудо бўлиб, қаддини тутиб юрибди-я!". деган сатрлар бор. Бу гапни муаллифнинг бувиси айтаяпти. Зулфия Зокирова бева қолган тўрт келини билан бирга яшаб, уларга бош бўлиб, невараларини уйлантириб, ҳаётдан кўз юмади. Урушдан қайтмаган беш жангчининг матонатли онаси ва аёллари тортган изтиробу аламлар, биргина шу оила бошига уруш солган кулфатларнинг ўзи ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги буюк ғалабада ўзбек халқининг ҳиссаси юксак бўлганини рўй-рост кўрсатиб турибди. Бу очерк Москва матбуоти "ўзбек иши"ни айни дўмбира қилаётган кунларда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да босилгач, муаллифнинг халқимизнинг асл фазилатларини баралла айта олгани жамоатчилик томонидан эътироф этилдики, бу кечагидек эсимизда.

Албатта, бирор тарихий мавзуда кўпчиликка янгилик бўладиган мақола ёзиш учун фақат журналистлик истеъдоди ёки бу йўлда машаққат чекишнинг ўзи камлик қилади. Мавзуга доир ўнлаб манбаларни қидириш, зарур бўлса ишдан таътил олиб, харажат тортиб, собиқ марказдаги кутубхоналар чангини ютиш, олис ҳужжатхоналарда тер тўкиш ҳам тақозо этилади. Алиназар Эгамназаров ана шундай изланувчан, мавҳум ёки чалкаш, шўролар даврининг мафкуравий тазйиқи остида атайин бузиб талқин этилган ҳақиқатни, бирор холис фикрни исботлаш учун зарур бўлса, энг узоқ ўлкаларга бориб-келишга ҳам эринмайдиган журналистлардан.

Адибнинг буюк инсонлар ҳаёти, мамлакат ва Ватан тарихида муҳим из қолдирган тарихий воқеалар таҳлили ва тадқиқига қўл ургани бежиз эмас. Уларда халқимизнинг яқин тарихда бошидан кечирган долғали ҳаёти, мустақиллик учун, инсоний ҳақ-ҳуқуқ учун кураш тарихи манзаралари жо бўлган. "Оқловдан сўнг" китобида ёритилган бундай тарихлар китобхонга йигирма йил аввал эришган миллий истиқлолимизнинг халқимиз учун, фарзандларимиз келажаги учун нечоғли улкан аҳамият касб этишини теран англатибгина қолмай, балки бу улуғ неъматни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлашга чорлайди.

Чунончи, ўтган аср 30-йиллари бошидаги қулоқлаштириш фожиаларига бағишланган "Сургун" мақоласи Астрахандан ана шу сиёсий қатағон қурбони Алишер Шодмоновдан келган ушбу мактуб билан бошланади: "Миллатим ўзбек, ёшим олтмиш бирда. Тахминан 1935 йилда Украинанинг Каховка шаҳридаги болалар уйига келиб қолганман... Уруш бошлангач, юзга яқин болани Астрахан шаҳрига кўчириб кетишди. Кичик ёшдагиларни эса кемада Каспий денгизи орқали Красноводск шаҳрига жўнатишди. Уруш тугади. Бизлар Астрахан шаҳрида қолиб кетдик. Эсимни таниганимдан бери менга бир савол тинчлик бермайди: қандай қилиб бундан олтмиш йил муқаддам ўзбек болаларининг бутун бошли колонияси Украина чўлларига келиб қолган? Менинг ҳам Ўзбекистонда қариндош-уруғларим борми? Қандай қилиб уларни топсам бўлади? Менга ёрдам беринглар, азиз юртдошлар!"

Умр бўйи ана шундай оғриқли саволлар қийнаган, умид билан яшаган одамлар оз бўлмаган. Муаллиф бу саволларга жавоб ахтариб, қанчадан-қанча қатағон гувоҳлари ва иштирокчилари, уларнинг ҳикояларига, далилларга мурожаат қилади. Пировардида давр тўфонлари бошига мислсиз алам солган, юртидан, ота-она ва жигарларидан айрилган, инсоний ҳақ-ҳуқуқи топталган не-не жабрдийдалар сарсон-саргардонлиги билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни қайта жонлантириб, ўша суронли йилларнинг тўлақонли манзарасини яратади. Келтирилган далиллар китобхон дилини ўртайди ва, албатта, эркинлик ва ҳурриятнинг қадри ҳақида ўйлашга мажмур этади.



Болалиги сургунда кечган жабрдийдаларнинг уруш арафасида Украинадан Астраханга кўчирилиши, ундан Каспий денгизи ва туркман чўллари орқали не-не азобларда киндик қони томган она-юртига талпиниши билан боғлиқ воқеалар силсиласи, чекилган азоб-уқубатлар тўфонида "яшай олган" адибнинг изланишлари, холис муаллифлик позицияси билан ёзилган ушбу тадқиқот-очеркни нотанти тузумга нисбатан муқаррар айбнома, дейиш мумкин. Бир мақола доирасида собиқ шўро тузумининг ноҳақлигини, инсон ҳақ-ҳуқуқига тажовузни, одамлар бошига солинган кулфатларни бу даражада асосли, ишончли кўрсатиб, далилаб бериш учун муаллифнинг ўзи ҳам мана шу аламларни юрагидан ҳис этмаслиги, "бошидан кечирмаслиги" мумкинми?! Дарвоқе, адиб очеркда архив материалларини шунчаки қайд этиш билан чекланмайди, қанчадан-қанча сиёсий қатағонлар жарбдийлари зорини тинглайди, уларнинг тақдирини ўзи ёшлигида кўрган-билган, эшитган воқеалар билан қиёслайди, ўрни келганда раҳматли падари бузруквори Имомназар ота сўзлаб берган хотираларни ёдга олади.

"Оқловдан сўнг" тўпламини мутолаа қилган китобхонда ҳужжатли қисса ва очерклар учун йирик романларга асос бўлгули материал тўпланган, адиб бу ҳақда катта бир асар ёзишга чоғлангану, устоз ёзувчилар тажрибаси ва, умуман, адабий жараёнда кузатилганидек, дастлаб ҳозиржавоб жанрларда қаламини чархлаб олган, деган тасаввур туғилади.

Ўйлаймизки, айни ижодий кучқувватга тўлган, муайян ҳаётий ва ижодий тажриба тўплаган, қунижунжи зарур тарихий материалларга бой устоз адибимиз мана шундай «очилмаган қўриқ»ларга қаламини омоч янглиғ солиб, китобхонларни янги-янги асарлар билан хушнуд этиши шубҳасиз.

**М.ЭШМУРОДОВ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Хосият Бобомуродовага ўғли **Жалолиддин УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 8497 Буюртма Г — 548. Ҳажми — 5 босма табоқ.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН